БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!


ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 2 ноябрь Жума

№ 210 (13.646) Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •





ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси 1 ноябрь куни ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

«Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий қонуни)га ҳамда Ўзбекистон ССЖ Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг раиси Э. Ҳ. Халилов маъруза қилди.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари муҳокамасидан кейин жумҳуриятда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилмасини бирлаштиришга қарор қилинди. Шу мақсадда ҳозирги Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузурида иш кўрадиган вазирлар маҳкамасига айлантирилди. Қонун депутатларнинг қўшимчалари билан қабул қилинди.

Халқ депутатлари сессия кун тартибининг қуйидаги бандини — Ўзбекистон ССЖнинг вице-президенти тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов мазкур лавозимга Ш. Р. Мирсаидовни таклиф этди. Олий Кенгаш ушбу номзодни якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССЖнинг вице-президенти этиб тасдиқланди.

«Ўзбекистон ССЖда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув қўмитасининг раиси А. А. Йўлдошев маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда халқ депутатларидан Ш. Т. Нусратов (21-Циолковский сайлов округи), К. Ж. Ҳаққулов (206-Марказий сайлов округи), К. Исроилов (294-Қўнғирот сайлов округи), Б. Б. Усмонов (107-Пискент сайлов округи), К. А. Маҳмудов (278-Ўзбекистон сайлов округи), М. Ж. Жўраев (224-Муборак сайлов округи), И. Т. Алиев (348-Қумқўрғон сайлов округи), А. В. Горностаев (176-Навоий сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи муҳокамада қабул қилдилар ва узил-кесил ишлаб чиқиш учун қўмитага топширдилар.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига кўра Б. Мустафоев Ўзбекистон ССЖ прокурори этиб тайинланди.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси тақдим этган милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисидаги қонунни ушбу сессияда айтилган фикрлар ва таклифларни ҳисобга олиб қабул қилдилар.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССЖ Халқ назорати қўмитасининг раиси М. М. Мирқосимовни Ўзбекистон ССЖдан жумҳуриятлараро ўзаро иқтисодий қўмитага доимий вакил қилиб кўрсатди.

Шундан кейин сессия иштирокчилари «Ўзбекистон халқ депутатларининг жумҳурият аҳолисига, ССЖИ Олий Кенгашига Мурожаатномаси»ни қабул қилдилар.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси ўз ишини тамомлади.







СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши мажлисидан лавҳалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратлари.

Жумҳурият янгиликлари

БИНОКОРЛАР 830 ўринли янги мактаб биносини тўрткўллик ўқувчиларга топширдилар. Мактаб замонавий лойиҳа асосида қурилган. Ўқув хоналари таълим беришнинг хилма-хил техникавий воситалари билан жиҳозланган. У шаҳардаги 1 сменада ишлайдиган дастлабки мактаб бўлиб, ноҳиядаги олтмишинчи ўқув муассасасидир.

«Қорақалпоқагростроймонтаж» трестининг 307-кўчма механизациялашган колоннаси мазкур бинони топширишда 3 ой кечикканлигигина янги мактабда ўқий бошлаган болалар кўнглини бироз хира қилди.

* * *

АНДИЖОНДАГИ «Мажнунтол» универмаги дастлабки харидорларни кутиб олди. Бу кенг ва ёруғ бинони «Узторгстрой» трестининг маҳаллий 3-қурилиш-монтаж бошқармаси якка тартибда тайёрланган лойиҳа асосида бунёд этган. Дўкон ип-газлама бирлашмасининг асосий дарвозахонаси яқинида жойлашган.

Бу ерда тикувчилик ва трикотаж буюмлар, дала ҳовли эгалари, ижарачилар, ширкатчилар учун моллар сотилмоқда. Ўзбекистондаги ва бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардаги саноат ҳамда савдо корхоналари билан тузилган шартномалар натижасида дўкон ходимлари бу ерда моллар хилма-хил бўлишига эришдилар.

Бу ерда анъанавий бўлимлардан ташқари харидорлар буюртмасини қабул қилиш хизмати ҳам мавжуд. «Мажнунтол» ҳар кварталда вилоят маркази аҳолиси ҳамда меҳмонларга чорак миллион сўмлик хизмат кўрсатади.

* * *

«ТОШКЕНТ трактор заводи», «Подёмник», Самарқанддаги «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, Чирчиқдаги «Трансформатор» заводида сифат системаларига доир халқаро андозалар жорий этила бошланди.

Андозалаш соҳасидаги вазифаларни зудлик билан ҳал этиш — корхоналарга бозор иқтисодиёти шароитида рақобат қила оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, уларни чет элга юбориш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ш. Р. МИРСАИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига айлантирилиши муносабати билан ва Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий қонуни)нинг 102-моддаси 8-бандига биноан ўртоқ **Шукрулло Раҳматович МИРСАИДОВ** Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССЖ вице-президенти этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 1 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ «НАРОДНОЕ СЛОВО» РЎЗНОМАСИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ВА «ХАЛҚ СЎЗИ» ҲАМДА «НАРОДНОЕ СЛОВО» РЎЗНОМАЛАРИНИНГ БОШ МУҲАРРИРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг «Народное слово» рўзномаси таъсис этилсин.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларининг бош муҳаррири этиб ССЖИ халқ депутати, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси правлениесининг раиси ўртоқ **Аҳмаджон Ғуломович МУХТОРОВ** тайинлансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 31 октябрь.

ЎЗГАЧА БАЗМ

Таҳририятда долзарб мавзу — комсомолнинг бугунги обрўси ҳақида талашиб — тортишардик. Яъни, ёшлар ташкилотининг мавқеи, аҳволи дегандай. Баҳс авжланган пайт аллақаердан сим қоқишди.

— Ҳа, редакция.

— Илтимос мухбирларингдан бирортасини юборсанглар.

— ...

Бу ёғи қизиқ бўлди. Навбатдаги тадбирлардан бири ўтказилаётган экан... Комсомолнинг 72 йиллик тўйи муносабати билан... Очиғи ошиқча даҳмазага ўхшаб туюлди. Лекин эскида айтган жойдан қолма деган гап бор. Бордик, ё насиб деб. Начора, иш... «Оёғим тортмаяпти» деган билан бўлмайди.

Ўша кеча, Тошкентнинг сўлим жойларидан бирида ғаройиб, ўзгача йиғин бўлиб ўтди. Кўплар буни пайқамади ҳам. Ҳамма ўзи билан бўлган бу кечада шаҳарнинг «Семурғ» кафесида Куйбишев ноҳия комсомол қўмитаси аъзолари йиғилишди. Мен унда ҳеч қанақа дабдабани кўрмадим. Узундан-узун қутловлару, маърузалар ҳам тингламадим. Фирқадан таклиф этилган кишиларни ҳам учратмадим. Ҳаммаси ёшъяланглар... Озроқ ўйин-кулги... Кўнгилхушлик...

Дастлаб ўзимни ошиқчадай сездим. Хўш, нима бўлибди... Шуни ҳам «пичоққа илинар»-ли қилиб ёзиб ўтиришга ҳожат бормикин? Йиғилса йиғилишибди. Комсомолнинг туғилган куни экан.

...Базмни куй-қўшиқ қизитди. Саркотиб ҳам рақсга тушди. Умуман расмий тантанаворликдан йироқ самимий даврага қараб кимнинг туғилган куни ё бирор баҳонаи сабаб тўй қилишаяпти деб ўйлайсиз. Базм А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи қошидаги «Сўғдиёна» халқ чолғу дастаси ҳисобидан уюштирилган экан. Даста ноҳия қўмитаси тасарруфида... Яъни унинг кўмагида турли хил гастроллар ўтказади. Шартномалар тузиш имкониятига эга бўлади. Хуллас, «Сўғдиёна» ёшлар маданий маркази ноҳия комсомоллари ўтказадиган жами тадбирларни ўз зиммасига олган. Ҳар қанақа ташаббус учун тайёр туриш, бундайроқ айтганда ўз қадрини ўзи билиш жудаям яхши.

Саркотиб Икром Назаров куй тугагач, ёнимга яқинлашиб, кўнглимдагини англагандек бўлди.

— Илгари ноҳия комсомол фаоллари иш юзасидан йиғинларда учрашишарди. Ҳатто бир-биримизни яхши танимасдик ҳам. Демак, бирлашиш керак эди. Мана кўриб турибсиз, маданият олий билимгоҳида ташкил этилган Ш. Юсупов раҳбарлигидаги халқ чолғу дастаси қандай тадбиримиз бўлса хизматда. Ҳар қалай ўйин-кулгу, яхши кайфият беради. Самимийликни туғдиради.

— Ҳозир кўпчилик танқид қилаяпти комсомолни. Унинг обрўси...

— Ҳа, эътироз йўқ. Комсомолни обрўсини кўтариш учун ёшларни қизиқтириш керак...

Саркотиб ноҳия комсомолининг ишлари бир мунча яхшилигини гапириб, октябрь ойида 69 киши комсомол сафига ўтганини айтди.

Очиғи қатнашганларни билмадиму, бироқ мен яхши англай олмадим; бу комсомолнинг туғилган куни шарафига ўтказилган тантанамиди ёки ёшларнинг ўз етакчилари билан диллашуви эдими? Ҳар ҳолда иккинчи айтганим бўлса дуруст.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

Шу сонгга хабар

Бирлашишга даъват

31 октябрь куни Москвада сиёсий партиялар ва ҳаракатлар оралиқ блокининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис қатнашчилари кучли Президентлик ҳокимиятини, ҳукуматнинг мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш йўлидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Мажлисда миллий иноқлик коалицион ҳукуматини тузиш тўғрисида гапирилди, бошқа масалалар муҳокама қилинди. Блок раҳбарларининг ССЖИ Вазирлар Кенгаши Раиси Н. И. Рижков билан учрашуви тўғрисидаги ахборот тингланди, унга бўлажак коалицион ҳукуматнинг таркиби тўғрисидаги таклифлар тақдим этилганлиги айтиб ўтилди.

Ҳозир сўл экстремизм мамлакат учун катта хавф эканини мажлис қатнашчилари таъкидладилар. Шу сабабли ижтимоий иноқликка эришиш учун марказ теварагида жипслашиш зарур. Совет Иттифоқи барча демократ кучларининг «Бирлик учун» анжумани айни шу масалага бағишланади, ҳозир блокнинг ташкилот қўмитаси шу анжуманга тайёргарлик кўрмоқда.

(СИТА).

Янги рўзнома

Халқ депутатлари Тернополь вилоят кенгашига қарашли «Видроження» («Тикланиш») халқ рўзномасининг дастлабки сони чиқди. Унинг саҳифаларида ўлкани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг ўткир муаммолари, шу ўлканинг тарихий ўтмиши тўғрисидаги материаллар асосий ўринни эгаллайди. «Видроження» аҳоли турли қатламларининг демократик асосда жипслашувига, украин миллатининг, унинг маданиятининг, ўзига хос анъаналари ва урф-одатларининг маънавий жиҳатдан тикланишига ёрдам беради.

Етти йилдирки сарсонман

МЕН Самарқанд вилояти, Ургут ноҳиясидаги Крупская номли жамоа хўжалигининг 21-бригадасида колхозчи бўлиб ишлайман. 1983 йили режа асосида томорқа қурган эдим. Шу йили томорқамга кўчиб ўтдим. Лекин ҳозиргача электр чироғи ўтказолмай сарсонман. Шу етти йилда мен мурожаат қилмаган ташкилот қолмади.

Бир неча марта жамоа хўжалиги раисига ёзма равишда, неча марталаб оғзаки илтимос билан қабулига бордим. Лекин ҳеч бир натижа чиқмади. Шундан кейин ноҳия ижроия қўмитасига, ноҳия фирқа қўмитасига, Ленин номли қишлоқ Шўро қўмитаси раисига неча марталаб ариза билан кирдим. Эътибор беришмади. Қишлоғимиздаги режали уйлар номигагина режали дейиш мумкин. Чунки, бу режаларда на йўл бор, на уйнинг аниқ қатори бор. Фақат қуриладиган уйнинг, томорқанинг ўрни кўрсатилади, холос. Шунда ҳам томорқанинг аниқ қаердан қаергачалиги кўрсатилмайди. Шу сабабли қўшнилар ўртасида тез-тез жанжал чиқиб туради.

Ҳурматли редакция! Хуллас, илтимосимиз катта! Зора сизларнинг аралашувингиз билан электр ўтказиб олсак.

Абдунаби КАРИМОВ.

Ташаккуримизни етказсангиз

Ўғлим Мадамин икки ёшга тўлгандан сўнг бурни қонаб, баданлари кўкариб қолди. Аста-секин бурин қонаш кўпайиб, тезлашиб борди, уни фақат тампон ва дори-дармонлар ёрдамида Сирдарё вилояти касалхонаси реанимация бўлимида тўхтатишарди. Ҳар сафар биз шу бўлимга тушардик. Реаниматорлар кўп ҳаракат қилдилар ва ўзлари ёрдам бера олмагач, Тошкентдан врач-консультант чақиртиришди. Қон қуйиш илмий текшириш институтидан Сирожиддин Жамолиддинов бориб кўрди. Тошкентга олиб боришни ва ўзи даволашини айтди. Бу ерда ҳам жон куйдириб даволашди, лекин шу аҳвол яна такрорланди. Тошкентга халқ табобати марказига врач М. Салаевга олиб боришни маслаҳат беришди. Шундан сўнг мен ўғлимни тўппа-тўғри Мадиёр Салаев ҳузурига олиб бордим. Салаевга юзлари оқариб, ҳолсиз, иштаҳасиз, туришга мадорсиз бўлиб қолган ўғлимни кўрсатишга муяссар бўлдим. Қизиғи шундаки у кишининг диагноз қўйиш усули бошқа касалхоналардаги диагноз қўйиш услубидан фарқ қилар экан. Ўғлимга беш минутда қараб, эшитмасдан, силамасдан, ҳеч гап сўрамасдан кийимларини ечмасдан диагноз қўйди. Мадиёр Салаев ўғлимни даволашини айтди ва ўша кундан бошлаб даволади. Сеанслар ҳаммаси бўлиб тўққиз кун давом этди. Бурнидан қон кетиш тўхтади, бадандаги кўкариш йўқолди, кайфияти яхшиланди, иштаҳаси пайдо бўлди. Энди у ўзини бошқа болалардек соғлом сезмоқда.

Ҳурматли, «Ёш ленинчи», ўғлимнинг «Шарқ» халқ табобати шифохонасида даволанганлиги муносабати билан жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазири С. М. Баҳромовга ва ноёб хислат эгаси Мадиёр Салаевга бизнинг ташаккуримизни етказсангиз.

Умматқул АБДИМЎМИНОВ,
Сирдарё вилояти, Боёвут ноҳияси, «Боёвут» давлат хўжалигининг «Пахтакор» бўлими ишчиси.

Шу сонгга хабар

Ёшлар клублари

Қалбларга йўл топиб

Қўҳна Хивада намунали саёҳат ташкил этганимизга унча кўп вақт бўлганича йўқ. Вилоятда илк бор очилган бундай клубни ташкил этиш ғояси илгарироқ туғилганди. Хизмат юзасидан марказий шаҳарларга йўлим тушганда ана шундай клубларнинг фаолиятлари билан қизиқдим, ўргандим. Бу пайтда вилоят саёҳат бирлашмаси қошидаги клубда ишлардим.

Мана олти ойки, клубимиз ишлаб турибди. Клуб шаҳар ижроқўми касаба уюшмаси кўнгилли спорт жамияти қошида ташкил этилди. Клубимизга асосан уруш жанггоҳларида ёки хизмат вазифасини ўтаётган пайтда ногирон бўлиб қолганлар ҳамда байналмилалчи жангчилар аъзо бўладилар.

Аввало ишларни муттасил йўлга қўйиш учун масаланинг моддий жиҳатига эътибор бердик. Кўпгина корхона ташкилотлар ишнинг хайрли мақсадларини англаб, ёрдам беришди — ҳисобимизга ўн икки мингга яқин пул тушди.

Жой масаласи ҳам тез фурсатда ҳал бўлди. Ноҳия фирқа қўмитаси ва шаҳар Кенгаши Киров номли мактаб биносининг бир қисмини ажратишди ва қурилиш ширкати қисқа фурсатда таъмирлаб берди.

Клубимиз фаолияти ҳозирча унчалик кенг эмас. Музей залларини томоша қилиш, ихтиёримиздаги кутубхонадан фойдаланиш, турли хил спорт анжомлари билан жиҳозланган хонада мусобақалар ўтказиш, афғон жабрдийдалари ҳаётидан ҳикоя қилувчи махсус кўргазма билан танишиш ва бўш вақтлари кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариш...

Яқинда кўзи ожизлар ишлаб чиқариш корхонасида шахмат ва шашка бўйича беллашув ташкил этдик. Ғолиблар Фарғонада бўлиб ўтадиган жумҳурият ногиронлар ва байналмилалчилар клублари аъзолари шахмат-шашка мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бунга ўхшаган бир қатор тадбирлар ўтказилди ва ўтказишни режалаштирганмиз.

Имкониятларимиз кенг. Марказий шаҳарлардаги ана шундай клубларда аъзолар учун маиший хизмат, бепул саёҳат бўлимлари ишлаётганини кўрганман. Келгусида худди шу ниятларимизга эришиш учун ҳаракат қилиб, молиявий-хўжалик томонларимизни мустаҳкамлаяпмиз.

Яна шуни айтиш керакки, клубимиз фаолиятининг мукаммаллигини таъмин этишда ноҳия комсомол қўмитаси ҳам ёрдам бермоқда. Биргаликда иш — ютуқларга бой бўлишини англаб, ҳамкорликни доимий давом қилдиришга аҳд этганмиз.

Р. МАТЕҚУБОВ,
клуб раиси.



Санъатни севмаган киши бўлмаса керак. Лолахон Ғолибоева ҳам санъат шайдоси. Тўғри, унинг касби соғувчилик. Жалолқудуқ ноҳиясидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида меҳнат қилади. Шу билан бирга у ноҳия Маданият уйида ташкил этилган «Наво» ашула ва рақс дастаси иштирокчиси. Яқинда 2-жумҳурият мақомчилар конкурсида иштирок этиб, лауреат бўлди. Шунингдек, Лолахон ноҳия кенгашининг депутати сифатида ҳам фаолият кўрсатади.

СУРАТДА: пешқадам соғувчи, Лолахон Ғолибоева.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Акс-садо

Александр Солженицининг «Россияни қай тарзда қайта қуришимиз керак. Баҳоли қудрат мулоҳазалар» рисоласи бутун Ўрта Осиё жумҳуриятларида, айниқса қардош дўстларимиз диёри Қозоғистонда кескин норозилик уйғотди. «Коммерсант» рўзномасининг хабар беришича, 14 октябрда Олмаотада «Озот» фуқаролик ҳаракати ташаббуси билан митинг бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Олий Кенгашининг суверенитет тўғрисидаги Декларацияси қўллаб-қувватланган.

«Ёш ленинчи»нинг 26 октябрь сонида шу рисола муносабати билан ССЖИ халқ депутати, ССЖИ ФА мухбир аъзоси, В. И. Ленин номидаги ТошДД ректори Э. Юсуповнинг мақоласи эълон қилинганди. Бироқ таҳририятга келаётган хат ва мақолалар оқими тўхтамаяпти. Қуйида биз улардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Асоссиз даъволар

А. И. СОЛЖЕНИЦИННИНГ «РОССИЯНИ ҚАЙ ТАРЗДА ҚАЙТА ҚУРИШИМИЗ КЕРАК. БАҲОЛИ ҚУДРАТ МУЛОҲАЗАЛАР»И МУНОСАБАТИ БИЛАН.

ВАТАНДОШЛАРИ — россияликларни оғир вазиятдан чиқишга кўмаклашиш машҳур адиб Александр Исаевич Солженициннинг шубҳасиз, олижаноб мақсадидир.

Лекин бутун бир халқ, элатларга нисбатан айтилган нописанд фикр-мулоҳазалар, қозоқлар ҳудудини бўлиб юбориш борасидаги қатъий, узил-кесил кўрсатмаси шусиз ҳам мураккаб бўлган миллатлараро муносабатларни кескинлаштиришга баҳоли қудрат сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида адиб чуқурроқ ўйлаб кўрмаган кўринади.

Хўш, Солженицин ўз жозибадор тавсияларини нималар билан асослайди? Афсуски, кўп ҳолларда тарихий фактларга бир томонлама ёндашиш, кўчирмаларни тиргак қилиш, гапни буриш, чиройли этикетка ва таҳқиромуз ёрлиқлар ёпиштириш билан. Айни чоғда адолат ва ахлоқ ҳақида дамбадам эслатишдан чарчамайди.

Адибнинг «Россия Польша ва Финляндиядан ажралиб, наҳотки камбағаллашиб қолган бўлса. Йўқ, қайтага қаддини тиклаб олди. Ва мешқорин тагида осилиб турган, Александр II ўйламай-нетмай босиб олган, Ўрта Осиё отлиғ юкдан халос бўлсак, қаддимизни тағин ҳам тиклаб оламиз, деган образли миннатли гапи ўқувчилар назаридан четда қолмади.

Рус ерида монарх ва ҳокимлар кўп ўтган. Анча-мунчасининг оти Александр бўлган. Уларнинг биз, осиёликлар билан муносабати, муомаласи турлича кечган. Ўзбек Александр II Михайловичининг таъзирини берди, лекин унинг ўрнига келган Иван Калибага Мономах шапкаси кийдирди. Бу кийим ҳозирга қадар ҳисобланиб келинганидек, Византияда эмас, Ўрта Осиёда, Бухорода тайёрланган эди.

Александр Невский, Александр I худо ярлақаган, Александр II — ҳалоскор, Александр III— тинчлик ўрнатувчи — тарих уларга шундай номлар берди.

Александр Солженицин баҳоли қудрат мулоҳаза юритиб, янги ном — атамалар киритади: зийрак, сезгир Ильич — биринчи ёхуд Муқаддас Владимир, «ҳафтафаҳм Ильич — иккинчи», кадетлар йўлбошчиси — шукуҳли Маклаков...

Исаич — биринчи қайси мулоҳазаларга кўра, Ўрта Осиёнинг тўртдан бирдек жумҳурият халқларини мешқорин тагига жойлаштирди экан? Бутун бошли халқ элатларга истеҳзоомуз ёрлиқлар ёпиштириш адолатданми? «Лаънатланган маъмурий система»га ақл ўргатилар экан, христиан ўгитидаги қуйидаги сўзларни эслайди: «Ҳар бир, ҳатто энг кичик халқ Олло таоло ниятининг бетакрор жилосидир... Бошқа ҳамма халқларни ўз халқингдек севгин». Бу — сизнинг сўзларингиз. Худодан қўрқинг. Қорин остигача пок, тақводор-у, ундан пастида гуноҳкор, осий бўлиш амри маҳол. Инжилда ёзилганидек: «Ё, ҳа, ё, йўқ, сизнинг каломингиз бўлади: ҳа, ҳа, йўқ, йўқ, бундан бошқаси — шайтонлик». (Матфий, 5, 437.).

Фақат бугина шайтонликдан эмас-да. Миясига лоп этиб келиб қолган фикрни қоғозга туширади: «Шундай қилиб кўриб турибман... бу ўн биттаси **(жумҳуриятлар М. З.)**. — ҳа! Бетўхтов ва узил-кесил ажратилади». Кейин ўн иккинчиси — Қозоғистонни қайта кўриб чиқиш, қисман ажратишга қарор қилди.

Тавсия — ҳукм шундай жаранглади: «Шундай қилиб, ўша ўн икки жумҳуриятнинг тўлиқ ажралиб чиқишига шак-шубҳасиз ҳуқуқи борлигини пайсалга солмай ва қатъиян эълон қилмоқ керак. Қозоғистоннинг тақдири дарҳол ҳал бўлди-қўйди. Блицкриг!

Қачонгача бизларни Александр II — ҳалоскор сингари ўйламай-нетмай босиб олишади (1865, 1876), кейин бўлса Александр Солженицин сингари (1990) «шак-шубҳасиз», «узил-кесил», «пайсалга солмай», «қатъият билан» ажралиб чиқишга ўйлаб-нетиб ижозат беришади.

Бундай нописанд иборалардан кейин яна адолат, ахлоққа оид ўгитлар келади: «Ҳозирги замон сиёсий ҳаётида нимагаки қўл урмайлик, нима устида бош қотирмайлик, бизнинг қаттиқ иродамиз илоҳий адолат у ёқда турсин, мўътадил ахлоқни ёддан чиқариб, ёлғиз манфаатларимиз кетидан қувса, бирортамизга ҳам эзгулик кутиш насиб этмагай».

Бу сўзларни қозоқларга ҳудудининг бир қисмини ажратиб бериш, Россияга жанубий Сибирь, жанубий Уралбўйи ҳамда 1936 йилдан бошлаб, руслар, қамалганлар ҳамда сургун қилинганлар томонидан ўзлаштирилган ва қурилган марказий саҳро кенгликларини Россияга қолдиришга ижозат этилгани билан қандай таққослаш мумкин? Ушбу ҳудудга 1936 йилда эмас, 1736 йилдаёқ кичик ва ўрта жуз қозоқлар келиб ўрнашган эди. Тарихий ҳақиқат шуни тақозо этади. Солженициннинг «бугун қаппайиб кетган Қозоғистонда қозоқлар ярмидан камроқ»лигига ишорасини ҳатто мўътадил ахлоққа тўғри келади деб ҳам бўлмайди. Шу муносабат билан адибга «Голошчекин[1] геноциди»ни, бунинг оқибатида икки миллиондан кўпроқ қозоқ очлик ва касалликдан ҳалок бўлганини, 4 миллион одам ўлкага ташқаридан келтирилгани, олтмишинчи йиллар бошида қозоқлар 30 фоизни ташкил қилганини эслатиб ўтиш жоиз. Негаки, унинг ўзи геноцид гувоҳи ва қурбони 11 йил тузум турмаси азобини чеккан. Тарихда ҳақиқат золимлар, қалби сўқир амалдорлар, фожиавий даврларга шахсий гинакудуратдан ҳоли бўлмоғи керак.

Солженицин кўпинча Ф. М. Достоевскийдан кўчирма келтиради. Бир кўчирмасини келтириб ўтсак: «Ҳақиқат Некрасовдан улуғ, Пушкиндан улуғ, халқдан улуғ, Россиядан улуғ...» Ўзингизча бу сўзларнинг ўрнини ўзгартириб кўринг-а, адибда ҳақиқат тескари маъно касб этади. Столипинга ёққан нарса Александр I га ёқмаган, 1801 йили Александр I га хуш келган нарса, 1921 йили Ленинга маъқул келмаган. Гуржистоннинг Иттифоқ таркибига кирганига Ленин айбдор топилади. Украина, Россия федерациясидан чиқиб, мустақил жумҳурият бўлдими, Украина Радаси айбдор.

Рисоланинг бир ўрнидагина бир кишининг — Петр Иванович Шуваловнинг исми-шарифи тўлиқ келтирилган. Бу ҳурмат-эътиборга у 1754 йилги «Халқни асраш лойиҳаси» учун мушарраф бўлган: «Ана аркони донишмандлик». Бу «донишманд» халқни «ўйлаб», давлат хазинасига қўл чўзгани ва тарихга «Хазина ўғриси» бўлиб киргани, негадир, айтиб ўтилмайди.

Адибнинг «демократия» атамасини аниқлашга интилиши Тарленинг «Наполеон» китобидаги парчани эслатади: «Илк хабар: «Корсикалик ёвуз Жуан кўрфазига тушди». Иккинчи хабар: «Одамхўр Грассга боряпти». Учинчи хабар: «Зўравон Греноблга кирди». «Тўртинчи хабар: «Бонапарт Лионни эгаллади». Бешинчи хабар: «Наполеон Фонтеблога яқинлашмоқда». Олтинчи хабар: «Ҳазрат олийлари бугун собид Парижида кутиляпти».

Бу бадиий бўёқларнинг бари бир неча кун давомида бир таҳририятда ишланиб, бир рўзнома саҳифаларидан жой олган.

Демократиянинг турли-туман таърифи-талқинлари тайёр бўлмаган, муштарийда фикрий чалкашликдан бошқа нарса уйғотмайди. Қоғозда-ку жозибадор кўринади, амалда эса — жавоб йўқ, нимагаки ёвуз маҳлуқ император жаноби олийларига айлантирилган.

Адиб баъзан ўзининг ва турли ўринларда кўчирмалар келтирилган бошқаларнинг фикрларини бирлаштира олмайди. Бир томондан, «мамлакатда сиёсий ҳаёт кенг қулоч ёйган сари — маънавий ҳаёт йўқола боради», иккинчи томондан, «сиёсий куч-қудрат ахлоққа таянган тақдирдагина мустаҳкам бўлади».

Адиб бадиий бўёқлардан фойдаланишнинг ҳавосини олган.

«Рак корпуси» китобида, бирор марта ҳам шаҳар номини тилга олмай туриб, кўчалар, одамлар, эски ТошТИ, 4-трамвай ҳалқаси, ҳайвонот боғи, буғу ҳайкали шундай тасвирланганки... Тошкент кафтдагидай аниқ кўзга ташланади. Солженицин Тошкентда бамисоли қайта туғилди — оғир дарддан халос бўлди. Энди у великорус, украин, белоруссилар жамиятини оғир ижтимоий ҳасталикдан халос этиш ниятида. Уларга қарата хитоб қилади: «Оғайнилар! Бу шафқатсиз бўлинишнинг кераги йўқ! — коммунистик йиллардаги ақлнинг заифлашуви бу. Биргаликда Шўро даврининг жабр-жафосини чекдик, бу чуқурга бирга тушиб қолдик — биргаликда чиқиб олайлик». Қариндошлари билан бирга оллоҳнинг бошқа фарзандлари ҳам ушбу ҳандақ қаърида қолганлигини, негадир, «унутибди». «Улар»га аталган сўзлар оҳанги ҳам ўзгача: «Шундоқ бешак-бешубҳа улардан ажраб чиқишимизни эълон қилишга мажбур бўламиз биз қолганлар...» Сўнгра: ...яна унда **(Россия иттифоқида — М. З.)** у қадар кичик бўлмаган ва кичик юз халқ ва элат қолади. Худди шу ерда, ушбу бўсағадан биз ҳаммамиз буюк донолик ва олийҳимматлилик кўрсатишимиз мумкин ва керак, фақат шу лаҳзадан миллатларнинг самарали дўстлигини, унинг ҳар қайсиси маданияти яхлитлигини барқарор этиш, ҳар бирининг билимини сақлаш мақсадида барча ақл ва самимий кучларини ишга солиш мумкин ва керак.

Калининградлик қариндошлар ёддан кўтарилди: миқёси кичик. Болтиқбўйи билан кесса бўлди-да. Қарайликчи, «донишмандлик ва саховат», «ақл ва самимият»нинг кетидан нима келар экан. Янги оҳанг, янгича қирра, яхшиси кўчирмани тўлиқ келтира қолайлик: «Айрим: ҳатто татар, бошқирд, удмурд, коми, чуваш, мардва, мари, ёқут сингари катта миллатлар учун бошқача йўл йўқ ҳисоби. Бошқа давлатлар билан ўраб олинган давлат омилкор ҳисобланмайди. Бошқа миллий вилоятларда ташқи чегара ҳам бўлади, бордию ажралиб чиққиси келса— бу ердан тақиқ бўлиши мумкин эмас. (Барча мухтор жумҳуриятларда ҳам туб халқ кўпчиликни ташкил этмайди). Лекин маданият, дин, иқтисодиётда миллий ўзига хосликни сақлаган тақдирда уларнинг Иттифоқда қолишида маъно бор...

Инқилобга қадар Россия тож-тахтига садоқати билан ажралиб турган тоғли Кавказ халқлари ҳам, эҳтимол, ҳали ажралиб чиқилса қандай бўларкин, деб ҳисоб-китоб қилишар. Йирик Россия Иттифоқи чеккадаги кичик халқларнинг қўшилишига муҳтож эмас, улар бунга кўпроқ муҳтождирлар. Агар биз билан бирга бўлишни исташса, бажо этишади. «Бажо этиш»ни исташмаса-чи? Сибирда мустақил Искандар — V пайдо бўлиб олдинни кўролмовчи Александр IV га, Кучум хон Сибирни Ермакдан олдин ўйлаб-нетиб босиб олганлигини эслатса-чи: «Канада чор атрофдан бўлмаса-да, Америка билан ўраб олингани ҳолда, гуллаб-яшнаяпти. Шундай бешак-бешубҳа улардан ажралиб чиқишимизни эълон қилишга мажбур бўламиз», дейилса ва Россиянинг ушбу қисми Узоқ Шарқу Яқин Шарққа бўлинса, қандоқ бўларкин.

Узоқ Шарқни айтинг! Солженицин японлар ҳақида ўринлатиб ёзади. Лекин Японияда Курилохота—I пайдо бўлди, муаллифнинг баҳоли қудрат мулоҳазасига кўра, Японияни қайта қуриш учун Курил оролларини қайтариб бериш керак бўлади. Ва, десангиз, янги Узоқ Шарқ қорин ости пайдо бўлмаса эди. Албатта, у қуриётган Орол, ўлаётган Оролбўйисиз, Семипалатинск ядро синовгоҳисиз, дунёда энг кўп болалар ўлимисиз, оналар сутидаги пестицидларсиз, электроника билан жиҳозланган, обод қорин ости бўлур эди. «Белоруссия ва Украинага Чернобиль кулфатгоҳи учун таъзим қиламиз», деганига розимиз. Қолган 12 жумҳуриятни «зоҳирий қурбон» деб атаманг, «лекин фақат шу бўлиниш бизга олдиндан кўринадиган келажакни аниқлаб беради». деган масъулиятни зиммангизга олманг-да, муҳтарам адиб. Негаки, Александр Исаевич қадрлайдиган Инжилда «Пайғамбар Исо китоби»да ёзиб қўйилган: «Оллоҳ сиз пайғамбарларни ғафлатга солди ва кўзларингизни юлади, олдиндан кўрувчи бошларингизни ёпти. Ҳар қандай пайғамбарлигингиз ёпиқ китобдаги сўзларни эслатади, бундай китобни ўқийдиган одамга узатилса, у «ўқиёлмайман, чунки у ёпиқ» деб жавоб беради... (Исаия, 29, 10 ва 11-бетлар). Ленин ўткир, зийрак Ильич — биринчи деб атаб тегажоқлик қилинди. Ўзингиз ўткир, сезгир Исаич биринчиликка даъво қилаётганлигингиз йўқми мабодо?

А. И. Солженицинга кўп нарса берилган. Унинг ҳар бир сўзини қабул қиладиганлар россияликларгина эмас. Ҳатто тарихий далилларни ҳам текшириб ўтирмай, сўзларидан олишади. Ахир унинг ўзи 1974 йили ноҳақ ҳайдаб юборилганда «Ёлғонсиз яшаш керак»лигига даъват этган эди-ку. Ва ҳозир ҳам «вазифа атиги айрим баҳоли қудрат мулоҳазаларимни айтиш, уларнинг ҳеч қандай узил-кесил, қатъийлигига даъво қилмасдан фақат муҳокама учун замин тайёрлашдан «иборат эди». Фақат замин маҳсулдор, яхши бўлмоғи лозим, негаки Луканинг «Муқаддас бонги»да айтилганидек, «Кимгаки кўп нарса берилган бўлса, ундан кўп нарса талаб этилади, кимгаки кўпроқ ишонч билдирилган бўлса, ундан кўпроқ олинади».

Марат ЗОҲИДОВ,
ТошДД доценти, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати.

1. 30-йилларда Қозоғистон Компфирқа МҚнинг биринчи котиби.



Тошкентнинг «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган сўзана-ю, зарпечлар кимнинг эътиборини ўзига қаратмаган, дейсиз. Қанчалаб Севишганларнинг илк оқшомига гувоҳ — чимилдиқ бўлиб уй тўрига илинган.
Сиз суратда кўриб турган Шарифа Тиллахўжаева ҳам «Шарқ гули»да чевар бўлиб ишлайди. Бирлашманинг бу йилги ютуғи — йиллик режани вақтидан олдин 105,4 фоизга етказиб бажаришида Шарифанинг ҳам хизмати катта. У ўзига берилган кундалик топшириқни 150-160 фоизга етказиб бажаради.

Сураткаш: Ҳ. СОЛИҲОВ.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

«МЕН ОТАБЕКМАН, ЖАВОБ БЕРИНГЛАР!..»

(«Ёш ленинчи», 26 июль, 1990 й).

Шаҳрисабз ноҳия ижроқўми мазкур мақола юзасидан текшириш ўтказди. Келтирилган фактлар, айтилган мулоҳазалар асосан тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам, Саъдулло Шернаевга давлат томонидан 1977 йилда 16 сўм, 1980 йилда 30 сўм, 1990 йилнинг январидан бошлаб эса 70 сўм нафақа тайинланган. Қурилиш материаллари берилган. 1990 йилда ҳам навбат асосида шифер берилиши кўзда тутилган.

Лекин «Шаҳрисабз» қишлоқ врачлик амбулаторияси врачлари Саъдуллонинг саломатлигини тез-тез назорат қилиб туришмаган. Халқ депутатлари Шаҳрисабз ноҳия Кенгаши ижроия қўмитаси халқ депутатлари Калинин қишлоқ Шўроси ижроқўмига Жўра Элбоев номидаги жамоа хўжалиги мутасаддиларига С. Шернаевлар хонадонидан тез-тез хабардор бўлиб туриш уқтириб ўтилди. Шунингдек, ака-укаларнинг соғлиғини назорат қилиб туриш учун алоҳида врач беркитилиши айтилди. Уларнинг уйига телефон ўрнатиб бериш масаласи ҳам яқин кунлар ичида кўриб чиқилади.

Ғ. МАМАТОВ,
Халқ депутатлари Шаҳрисабз ноҳия Кенгаши ижроия қўмитаси раиси.

«Обуна—91»

«Мулоқот»га ёзилдингизми?

Қайта қуришнинг ҳозирги қийин, мураккаб, бурилиш палласида «Мулоқот» ойномаси ташкил этилди. Бу — оммавий, ижтимоий-сиёсий ва публицистик нашр муштарийлар учун шу куннинг долзарб муаммоларига ўз нуқтаи назарини билдиришга имкон яратиб, энг муҳим масалалар борасидаги қарашларни бир-бирига солиштиришга, кенг жамоатчилик фикрини ойдинлаштиришга мўлжалланган.

Ойноманинг асосий мақсади — сиёсий турмушнинг хилма-хил шаклларини ёритишдан, қайта қуришга амалий муносабатларни шакллантиришдан, фирқа, шўро ва турли жамоа ташкилотлари фаолиятининг долзарб муаммолари юзасидан танқидий таҳлиллар ва амалий таклифларни, муқобил нуқтаи назарни эълон қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюроси қоғоз танқис бўлган, босмахона харажатлари ва алоқа хизмати қимматлашган бир пайтда янги ойномани чиқариш ҳақида қарор қабул қилар экан, ошкоралик — бу демократиянинг ризқ-рўзи эканлигини, барча соғлом фикрловчи ижтимоий кучларнинг ўзаро мулоқоти — фуқароларнинг ҳамжиҳат бўлиши, барча куч-ғайратларини жамиятимизни янгилаш, жумҳуриятимизни миллий-давлатчилик, социал-иқтисодий, маънавий ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга қаратиш йўли эканлигини назарда тутди.

Ишончимиз комилки, «Мулоқот» кишиларни тўлқинлантириб келаётган жумҳурият ҳаётининг ҳамма муаммолари бўйича фикр-мулоҳазалар, нуқтаи назар ва қарашларни бирбири билан амалий таққослашга хизмат қилади. Ўзбек халқининг энг яхши инсонпарвар маданий анъаналарини қайта юзага келтиришга, эзгу ниятларни ва аҳил қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам беради. Бу, жумҳурият олдида турган муаммолар қанчалик мураккаб ва кенг миқёсли бўлмасин, уларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий шартидир.

«Мулоқот» саҳифаларида инсоннинг маънавий дунёси, унинг қадр-қиммати, жамиятда тутган ўрни, ўзбек миллатининг ўтмиши, бугуни, келажаги, жумҳуриятимиз мустақиллиги ва унинг мавқеи, давлат тили, унинг истиқболи, бой ва бебаҳо маданий меросимизга янгича қараш тўғрисида баҳс-мунозаралар уюштириш кўзда тутилмоқда.

«Қарс икки қўлдан чиқади», дейди доно халқимиз. Қисқача баён этилган масалаларни юзага чиқариш ойнома муҳаррияти зиммасида. Муҳарририятга ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол ёрдам кўрсатиш эса муштарийлар зиммасида. **Манзилгоҳимиз: Тошкент, ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.**

«Мулоқот» доимо ҳамроҳингиз бўлишини истасангиз, унга ўз вақтида ёзилинг. Обуна баҳоси унча қиммат эмас. **Журналининг бир сони 60 тийин туради. Бир йилга эса 7 сўм 20 тийин, 6 ойга эса 3 сўм 60 тийин тўласангиз кифоя.**

Бизни ўйлантираётган муаммолар

Маънавий соғломлаштириш зарурати

Вақтли матбуотда, иқтисодчи, тарихчи, файласуф ва ҳуқуқшунос олимларнинг асарларида мамлакатимиз, хусусан жумҳуриятимиз ҳаётида тўпланиб қолган муаммолар негизи, бу иқтисодий тараққиётимизнинг жадал суръатлар билан олиб борилмаганлигида деган мулоҳазалар айтилмоқда. Бизнинг бу фикрларга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Аммо ўлкамизда тўпланиб қолган хато, камчилик ва муаммоларнинг туб сабабларидан бири, бизнингча, энг асосийси, бу маданият соҳасидаги қийинчиликлардир.

Иқтисодиётда бўлгани каби, маданият соҳасида ҳам экстенсив йўл танланиб, асосий эътибор сон кўрсаткичларига қаратилгани эди. Биз кўпинча жумҳуриятимиздаги мавжуд клуб, кутубхона, театр, музей, мактаб боғча ва бошқа маданият ўчоқлари ҳамда ўқув юртлари сонини 1913 йил билан солиштириб, миқдор ўсишларга маҳлиё бўлишдан бошқа нарсани билмадик. Миллионлаб сўмга қурилган клуб ёки театр биноси, бу ҳали ҳақиқий маданият эмас эканлигини (тўғри, у моддий маданиятга киради) ҳар доим ҳам тушунавермадик.

Турғунлик йилларида асосий эътибор пойтахтга, вилоят марказларига, кўпчилик истиқомат қиладиган турар жойларга, асосан шаҳарларга қаратилганлигини энди-энди очиқ тан олаяпмиз. Лекин айрим қишлоқларимиз, айниқса одам сийрак яшайдиган жойлар, овуллар ўз меъморчилиги билан ҳали ҳам инқилобдан илгариги даражадан асло қолишмайди. Шу ўринда биргина мисол келтирмоқчимиз. Маълумки, ҳозирги кунда жумҳуриятимиз аҳолисининг сони 20 миллион кишидан ошиб кетди. Биргина Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти аҳолисининг сони 4 миллион кишидан ортиқроқни ташкил қилади. Аммо Ўзбекистондаги мавжуд 31 театрнинг 15 таси худди шу юқорида зикр этилган шаҳар ва вилоятларда жойлашган. Қолган 16 театр эса ўнта вилоят аҳолисига хизмат қилиши лозим. Қани, ўзингиз ҳукм чиқарингчи, ижтимоий адолат принципи қанчалар бузилган экан?

Боз устига инқилобдан кейинги йиллар мобайнида миллий маданиятни янгича шаклларда намоён қилишга ҳаракат қилмадик. Чунки бундай ҳаракатлар кўпинча миллатчиликка йўйилди, социализмга, байналмилалчиликка қарши ҳаракат сифатида баҳоланди, маданият муассасалари иш шакллари эса ўзгармас ҳолда қолаверди. Жумҳуриятимизда таркиб топган 20—30 йилларга клуб иш усуллари ҳозиргача ҳам асосий усул сифатида (докладлар, лекциялар туркумлари, давра суҳбати, оғзаки журнал ва ҳоказолар) фойдаланиляпти. Хўш, нима учун клуб, маданият уйи ёки саройи тадбирлари кенг халқ оммасини ўзига жалб этмаяпти. Сабаблар кўп: кадрлар қўнимсизлигининг юксаклиги, улар маошининг ниҳоятда камлиги, маданият масканларининг қишда совуқ, ёзда иссиқлиги ва ҳоказолар. Буларнинг барчаси тўғри. Аммо менимча, клубга муносабат масаласида ўзбек халқининг тарихи, руҳияти ва анъаналаридан келиб чиқиб ёндашилса, яхшироқ бўлар эди. Демоқчиманки, мавжуд клубларга миллий руҳ бериш керак, унда ишлаб турган балет, опера тўгаракларига биз на иштирокчи, на томошабин топа оламиз.

Шу ўринда яна бир нарса хусусида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Маълумки, кўп миллатли давлатимизда миллий маданиятлардаги тафовутлар доираси кенг ва ҳар доим ҳам уни марказда (Москвадан) туриб йўналтириб бўлмайди. Маданий-маърифий ишларининг айрим шакллари, усуллари, қайсидир тадбир бир миллат учун анъанавий ва унинг миллий хусусиятларига мос келиши мумкин. Лекин худди шу усулларни бошқа миллатларга ҳам тиқиштириш, юқоридан кўрсатмалар бериш орқали тадбиқ этиш мутлақо тўғри эмас. Болтиқ бўйи жумҳуриятларидаги хор жамоаси концертига ўзбек қишлоғидаги меҳнаткаш бир марта тушиши мумкин ёки ўзбек дуторини чертиб айтилган «Қаро кўзим»ни ҳам латиш деҳқони ҳурмат юзасидан бир марта эшитиши мумкин.

Қайта қуриш бошланганлигига мана беш йилдан ўтди ҳамки, ҳамон маданият масканлари аҳволи ўзгаргани йўқ. Ёки бўлмаса, жуда оз ўзгариш юз берди. Маданият соҳасидаги сусткашлик, бу кўпроқ эстетик тарбияга бўлган муносабатимиз, уни бузиб талқин этишимиз билан боғлиқ ҳодиса бўлса, эҳтимол. Эстетик тарбиянинг шахсни баркамол қилиб тарбиялашдаги аҳамиятини оғизда эътироф этдигу амалда унинг тескарисини қилдик, йилдан-йилга мусиқа, расм соатлари қисқариб борди. Ҳозир мактабларимизда мусиқа дарсига ҳафтасига бир соат — (у ҳам бўлса 7-синфгача) ажратилганлигини нима билан изоҳлаш мумкин.

Жумҳуриятимиздаги мавжуд 8 минг мактабдан 6002 тасида мусиқа ўқитувчилари йўқ. Чунки, бундай ўқитувчиларни тайёрлаш ва иш билан таъминлашнинг пишиқ системаси ҳали бизда ишлаб чиқилмаган.

Педагогика олий илмгоҳларида мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш кўлами ҳозирги даражада қолса, ҳали-вери мактабларни тўлиқ таъминлаш имконияти йўқ. Бундан ташқари, мавжуд ўқитувчиларнинг ҳам бир қисми клублар, маданият уйлари ва саройларига ишга ўтиб кетишмоқда. Натижада Тошкент Давлат маданият олий илмгоҳи, маданий-оқартув техникумлари, санъат билим юртлари битирувчиларини мактабларга жалб этишга мажбур бўлинмоқда. Аммо, улар ўтган дарслар ҳар доим ҳам ўзини оқламаяпти. Чунки, зикр этилган ўқув юртларида мусиқанинг ўзи фан сифатида ўргатилади, аммо уни мактаб ўқувчиларига ўқитиш методикаси ўргатилмайди. Мадомики ҳозирча бошқа иложимиз йўқ экан маданият олий илмгоҳи мусиқа бўлими талабаларига ўқитиш методикаси бўйича ҳам сабоқ берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир гап. Кейинги пайтларда маданиятга фирқа раҳбарлиги хусусида кўп мулоҳазалар билдирилмоқда ва бу табиийдир. В. И. Ленин тушунчасидаги маданиятга раҳбарлик — бу соҳага кўр-кўрона, билиб-билмасдан аралашиш эмас, балки унга нисбатан тўғри сиёсат юргизиб, конкрет-тарихий шароитни илмий таҳлил этиш йўли билан санъат, маданият муаммоларини ижодий фикрлашиш асосида ҳал қилишдан иборатдир.

Кейинги ўн йил ичида маданиятга сарфланадиган харажатлар ҳажми ўзгармасдан қолмоқда ва ҳозир у давлат бюджетининг бор-йўғи 1 фоизини ташкил қилади. Шу вақт ичида бу харажатлар Венгрияда 1,3 дан 1,7, Польшада 1,1 дан 1,7 га, ЧССРда эса 2 фоизгача кўпайди.

Маданий ривожланишимизнинг секинлашувига олиб келган омиллардан яна бири, бу аҳоли жон бошига маданий эҳтиёжларни қондириш учун сарфланадиган пул миқдорининг мамлакат турли ноҳияларида бир хил эмаслигидадир. Жумладан, ССЖИ халқ депутати, ССЖИ халқ артисти Бернора Қориеванинг таъкидлашича, Болтиқбўйи жумҳуриятларида бу эҳтиёжларни қондириш учун йилига 28 сўмдан, Ўрта Осиё жумҳуриятларида эса атиги 5 сўмдан сарфланмоқда.

Кейинги йилларда маданият, санъат, масалалари бўйича илмий кадрларни тайёрлаш масаласига етарли эътибор қилинмади. Масалан, санъатшунослик бўйича илмий ходимларнинг бор-йўғи 14,5 фоизигина илмий даражага эга. Бу бошқа соҳа бўйича фаолият кўрсатаётган илмий ходимлар билан қиёслаганда энг паст кўрсаткичдир. Каминанинг ҳисоб-китобларига қараганда, жумҳуриятимизда кейинги ўн йилда 150 дан ортиқ фан номзодлиги ва докторлиги учун илмий ишлар ҳимоя қилинди, кўплаб монография, китоб, мақолалар эълон қилинди. Афсуски, буларнинг ҳаммасида ҳам жумҳуриятимиз ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинмади ва маданий ҳаётимизни яхшилашга оид тавсиялар берилмади. Кўплаб илмий ишларда мамлакатимизнинг бошқа жумҳуриятларига хос бўлган, лекин миллий жиҳатдан бизга тўғри келмайдиган иш услублари тарғиб қилинди.

Ўзбек халқи ниҳоятда қадимий, қўҳна, маданиятли, ўзига хос урф-одати, анъанасига эга бўлган халқ. Шу боис ҳам халқимиз маданияти жаҳон маданий меросида алоҳида ўрин тутади. Аммо уни ҳозирги авлодга етказиб бериши лозим бўлган ўзбек тилида ёзилган илмий, илмий-тарихий асарлар йўқ ҳисоб. Уларни биз ўзимиз яратмасак, биз учун ҳеч ким жон койитмайди. Маданияти топталган халқ эса, бора-бора ўзлигини йўқотади. Буни доимо ёдда тутишимиз керак.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари номзоди, Тошкент Давлат Маданият олий илмгоҳи доценти.

Хорижлан хабарлар

М. С. ГОРБАЧЕВГА ЖАҲОН МЕТОДИСТЛАР ЧЕРКОВЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МУКОФОТИ БЕРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 31 октябрь. (СИТА мухбири Сергей Атащиков). ССЖИ Президенти М. С. Горбачевга Жаҳон методистлар черковлари кенгашининг мукофоти берилди. Қароргоҳи Лейк-Жунулюск (шимолий Каролина штати) шаҳрида бўлган мазкур ташкилот барча қитъалардан методистлар черковларини бирлаштиради ва 55 миллион диндорларнинг вакалатига эга. Ташкилот 1976 йилда сиёсий арбобларга миннатдорчилик белгиси сифатида «Мардлиги учун, тинчлик ишини мустаҳкамлашга шахсий ҳиссаси ва изчил ёндошганлиги учун» мукофотини таъсис этган эди. Ушбу мукофот билан 11 киши, жумладан АҚШнинг собиқ Президенти Жимми Картер тақдирланган.

Кенгашнинг Бош котиби Жо Хейл СИТА мухбири билан суҳбатда Совет Президенти «совуқ уруш»га чек қўйиб ва жаҳонни бир мунча бахтиёр этиб, тинчликни мустаҳкамлаш ишига бебаҳо ҳисса қўшганлиги учун» ташкилотнинг мукофотига сазовор бўлди, деди.

Мукофот бир минг доллардан иборат. ССЖИ Президентига эсдалик кумуш медали ҳам топширилади. Унда: «Михаил Горбачевга. Мардлиги, тинчликни мустаҳкамлашга ижодий ва изчил ёндошганлиги учун» деган сўзлар ўйиб ёзилган.

БОШ ВАЗИР ИСТЕЪФО БЕРИШГА ТАЙЁР

ПАРИЖ, 31 октябрь. (СИТА). Ҳиндистон Бош вазири В. П. Сингх ҳукумат бошлиғи лавозимидан кетишга тайёр эканлигини айтди. Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, Сингх Жаната Дал ҳукумат партиясининг раиси С. Р. Бомманга юборган мактубида мамлакат ва партия бирлиги манфаатлари йўлида истеъфога чиқиш ниятида эканлигини таъкидлаган.

Бош вазир Жаната Дал партияси парламент фракциясининг мажлиси ўтказилиши арафасида уларга хат билан мурожаат этди, фракция мажлиси қатнашчилари В. П. Сингх истеъфога чиқишини талаб қилишлари кутилмоқда.

Чуқур ҳукумат танглиги бунга сабаб бўлди. Танглик эса Бхаратия Жаната партия индустлар миллий фронти ҳукумат уюшмасини қўллаб-қувватлашдан бош тортганлиги сабабли пайдо бўлган. БДП раҳбарияти партия раҳбари Л. К. Адвани қамоққа олинганидан сўнг шундай қарор қабул қилди. Л. К. Адвани Айодха шаҳридаги мусулмонлар масчити ўрнида ибодатхона қурилишига бошчилик қилаётган эди. Сешанба куни Айодха шаҳрида ибодатхона қуришга киришиш учун уринган индуист мутаассиблари билан полиция ўртасида қонли тўқнашувлар бўлди.

7 ноябрь куни парламентнинг фавқулодда сессиясини ўтказиш режалаштирилган. Унда миллий фронт ҳукумати ишонч ёрлиғини олишга ҳаракат қилади.

БМТ ЖАҲОНДАГИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БМТ. (СИТА мухбири Евгений Менкес). «Сўнгги бир неча ой ичида жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари анча ёмонлашди. Шарқий Европада юз берган кескин ўзгаришлар ҳамда икки буюк давлат ўртасидаги муносабатлар кескинлигининг юмшаши натижасида вужудга келган некбинлик туйғуси катта ишончсизлик билан ўрин алмашди», — БМТ қароргоҳида нашр этилган «Жаҳон иқтисодиётидаги сўнгги ўзгаришлар» ҳужжати шундай сўзлар билан бошланади.

«Жаҳондаги ишлаб чиқариш ўсишининг суръатлари 1990 йилда илгари тахмин қилинганидан анча пастроқ бўлишига деярли шубҳа йўқ», деб таъкидланади ҳужжатда. Бу суръатлар 1982 йилдан буён ўтган давр ичидаги энг паст даражада бўлиши кутилмоқда ва у бир фоиздан анча ошиб кетиши гумон.

Муаллифларнинг «Шарқий Европа ва Совет Иттифоқи» бўлимида ёзилишича, мазкур мамлакатларда қайта қуриш йўлидаги уринишлар иқтисодий фаоллик даражасининг кескин пасайиб кетишига олиб келди. Мазкур мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажми камайганлиги, катта иқтисодий имкониятлардан эса оқилона фойдаланилмаганлиги таъкидланди. Мутахассисларнинг фикрича, «Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг минтақа иқтисодий ташкилоти сифатида барҳам топиши ва унинг аъзолари бу кенгашга муқобил восита яратмаганликлари қўшимча чалкашликларни келтириб чиқармоқда».

Ҳужжатда ташқи ҳисоб-китоблардаги қийинчиликлар Шарқий Европа мамлакатларида «узоққа чўзиладиган қаттиқ тежамкорлик даври яқинлашаётганидан, шу билан бирга истеъмол даражасининг кескин пасайиб кетишидан дарак бераётгани» ҳам таъкидланган. Муаллифлар Ғарб мамлакатларининг Шарқий Европага ва ССЖИга ёрдам қилиши истиқболлари хусусида тўхталиб, «бундай ёрдам иқтисодий фаолликни керакли даражада ушлаб туриш учун зарур миқдорда берилиши гумон эканлиги ва шу туфайли бу мамлакатларда талаб ва имконият ўртасидаги мувозанат кескин бузилиши мумкинлигини, бу эса минтақада ўтказилаётган ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик жараёнлари учун ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқаришини» уқтирдилар.



Москвада Марказий мусаввирлар уйида Ғарбий Германиялик рассом Бирте Ленаннинг кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг 25 йиллик ижод йўлини акс эттирувчи юз картина намойиш этилмоқда. Улар ифода услубининг ўзига хослиги билан томошабинларни мафтун этаётир.

СУРАТДА: кўргазмага қўйилган асарлардан бири — «Шиша дарахтлар».

Л. ПАХОМОВА сурати.

(СИТА сурат лавҳаси).

МУҲАММАД ПАЙҒАМБАРНИ ҲАҚОРАТ ҚИЛГАНЛАРГА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

ПАРИЖ, 1 ноябрь. (СИТА). Покистон олий Ислом суди шундай қарор қабул қилди: бундан кейин Муҳаммад Пайғамбарнинг табаррук номини таҳқирлаш ҳақорат ҳисобланади ва бундай қилган кишига ўлим жазоси берилади. Франс Пресс Ахборот агентлиги Исломобод шаҳридан шу ҳақда хабар берди. Покистоннинг ҳозир амал қилаётган қонунида бундай қилмиш учун умрбод қамоқ жазоси бериш назарда тутилади. Бироқ олий Ислом судини ташкил этган 5 нафар судья бундай жазо Ислом ва қуръон таълимотларига мос келмайди, деган қарор чиқардилар. Энди бошқа ҳар қандай пайғамбарга ҳурматсизлик қилган киши ўлим жазосига маҳкум этилади.

Суд Покистон Президенти Ғулом Исҳоқхонга мурожаат этиб, 1991 йилнинг 30 апрелигача жиноий кодексга тузатиш киритишни илтимос қилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер режага кўра, Форс кўрфази ноҳиясига ва Оврўподаги бир қанча давлатларга қиладиган сафари чоғида ССЖИ ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе билан учрашади. Икки мамлакат ташқи сиёсий муассасаларининг раҳбарлари, деб эълон қилди бугун давлат департаментининг вакили Маргарет Татуайлер, Ироқ-Қувайт можароси оқибатида минтақада вужудга келган вазиятни, шунингдек қурол-яроғлар устидан назорат масалаларини муҳокама қиладилар. Музокараларни Ж. Бейкернинг бир ҳафтага мўлжалланган сафари чоғидаги сўнгги тадбир сифатида 9 ноябрь куни ўтказиш мўлжалланган. Бироқ музокара ўтказиладиган жой ҳозирча аниқланмади.

ЛОНДОН. Ла-Манш бўғози остидан 50 километрли туннел ўтказишнинг энг муҳим босқичларидан бири муваффақиятли якунланди. Уч йил мобайнида британиялик ва французлик қурувчилар компьютерлар ҳамда лазер нури ёрдамида бошқариладиган қудратли ер қазиш қурилмаларидан фойдаланиб, денгиз сатҳидан қарийб 100 метр чуқурликда бир-бирлари томон йўл очиб бордилар. Сешанба кун оқшомида улар ўзларини бир-бирларидан ажратиб турган сўнгги метрларни қисқартириб ва бир-бирларининг қаерда турганликларини муттасил аниқлаб бориб, ер остида айланаси кўпи билан 5 сантиметрга етадиган микротуннел ўтказдилар. Бу микротуннел Буюк Британия билан континентал Оврўпо ўртасида очилган рамзий йўл бўлди.

ОТТАВА. Сешанба куни Оттавада бўлиб ўтган Совет — Канада анжумани биотиббиёт фанлари ва узоқ муддатли фазовий парвозлар мавзусига бағишланди. Анжуманда ер атрофидаги фазода узоқ муддат яшаш инсон аъзоларига қандай таъсир қилиши тўғрисидаги кўплаб саволларга жавоб топишга уринаётган икки мамлакат олимлари биргаликда олиб бораётган тадқиқотлар якунлари кўриб чиқилди.

Қўшма дастурни ишлаб чиқаётганимизда, — деди СИТА мухбири билан суҳбатда дастурнинг Канада томони ишлаб чиқадиган қисмининг раҳбари Алан Мортимер, биз олимларимиз коинот тиббиёти ва биологиясини ривожлантиришга энг самарали ҳисса қўшишлари мумкин бўлган соҳаларни танлашга интилдик. Невровестибуляр психология, организмнинг коинотда қанча энергия сарфлашини аниқлаш, шунингдек радиодозиметрия, яъни радиациянинг инсонга таъсирини ўлчаш усуллари ҳамкорлик қилинадиган ана шундай соҳалар бўлди.

Коинот муаммоларини ўрганишда ССЖИ билан Канаданинг ҳамкорлик доиралари ўтган йилнинг ноябрь ойида имзоланган ҳукуматлараро битимда белгилаб қўйилган.

(СИТА, 31 октябрь).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МОТОЦИКЛЧИЛАР МАТОНАТИ

● ПАСКАЛЬ Баррьер билан Оливье Гершер цирк ва оймома боғда ўзларининг ажабтовур чиқишлари билан кўплаб томошабинларни ҳайратда қолдиришган.

Октябрь ойида улар Марсель шаҳри яқинидаги Верон тоғининг 400 метр чуқурликдаги дараси устига бармоқ қалинлигидаги пўлат симдан дор ўрнатиб, 120 метр масофани босиб ўтдилар. Баррьер мотоциклни бошқарган бўлса, Гершер машинадан уч метр пастга ўрнатилган ўриндиқда ўтирарди. Шуниси ажабланарлики, уларни ҳимоя қилувчи бирор нарса йўқ эди. Озгина хатога йўл қўйилса бўлди... Лекин бахт улардан юз ўгирмади. Мотоциклчиларнинг бу жасорати уларга катта шон-шуҳрат ҳамда «Гиннеснинг Рекордлар китоби»га ёзилиш ҳуқуқини келтирди.

ҲАВОНИНГ ОҒИРЛИГИ ҚАНЧА!

● БИЗ нафас олаётган ҳавонинг оғирлиги қанчалигини камдан-кам одам билади. Соғлом киши бир кунда 20.000 марта нафас олиб, ўпкасидан 15 килограмм ҳаво ўтказади. Биз учун кунига ўрта ҳисобда 1,5 килограмм озиқ-овқат, 2 литр сув зарурдир. Инсон 5 ҳафта овқатсиз, 5 кун сувсиз яшай олса, ҳавосиз атиги 5 минут яшай олади. Лекин, французлик бир киши сув остида 6 минут 24 секунд ҳаракатсиз турган.

98 ЁШЛИ СПОРТЧИ

● АФИНА шаҳридаги ўйингоҳда марафонча югуриш бўйича мусобақа ўтказилди. Мухлислар маррага «атиги» 27 соату 33 минутда етиб келган Димитриос Иорданисни қарсаклар билан кутиб олишди. Бунинг нимаси ажабланарли деб ўйларсиз. Гап шундаки, спортчининг ёши... 98 да эди!

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хорижлан хабарлар

Саёҳатнома

Гапнинг индоллосини айтганда ҳозир бировни саёҳат билан ҳайрон қолдириш қийин. Айниқса, мамлакатимизда бошланган қайта қуриш, янгича мушоҳада туфайли халқаро алоқаларнинг яхшиланиши, давлатлар ўртасидаги кескинликнинг юмшаши, не-не сим тўрли чегаралар, темир-бетон деворларнинг қулаши натижасида икки дунё бир қадам бўлиб бораяпти, энди илгари бутун умри бўйи ўз қишлоғидан ҳатлаб бирор ёққа чиқмаган одамлар ҳам не-не юртларни кезиб келишаяпти. Мен ҳам бир гуруҳ ўзбек сайёҳлари қаторида Чехословакия Федератив Жумҳуриятига бориб келганимдан кейин сафар таассуротларини ёзсамми-ёзмасамми, деб бироз ўйланиб қолдим. Лекин Оврўподаги бу мамлакатда кўрганларим, у ерда шу кунларда юз бераётган ўзига хос тарихий воқеалар барибир қўлимга қалам олишга мажбур қилди ва кўрган-кузатганларимни ҳурматли муштарийлар билан баҳам кўришга қарор қилдим.

ОЛТИН ПРАГАДА

БИЗ ТУШГАН «Москва — Прага» поезди Чехословакиянинг пойтахтига эрта саҳарда кириб келди. Мана биз ҳали жуда вақтли бўлишига қарамасдан хийла гавжум бўлган темир йўл бош бекатидамиз. Кўп ўтмай бизни кутиб олишди ва автобусимиз Прага кўчалари бўйлаб юриб кетди. Атрофга аланглайман — мен бу шаҳар ҳақида кўп эшитгандим, уни ўзига хос гўзаллиги учун «Олтин Прага» деб аталишини билардим. Аммо мен кўрган уйлар анча оддийдек, биноларнинг ранги ҳам қорароқдай туйилаверди. «Қани «Олтин Прага?» — деб сўрай бошладим бизни кутиб олган саёҳатбонлардан. «Шошилманг, меҳмон, ҳозир кўрасиз», — дейишди менга. Шаҳар марказига яқинлашганимиз сари интиқлигим секин-аста тарқала бошлади: бир-биридан ҳашаматли бинолар, қадимий қасрлар, бутхоналар, осори-атиқахоналар бирма-бир ўтар, уларнинг тилло рангли қуббалари эндигина кўтарилиб келаётган қуёшнинг заррин нурларида товланарди. Кейинчалик Прага бўйлаб махсус танишув сайри ўтказилганда бу қадимий шаҳарнинг бутун гўзаллиги, ўзига хос бетакрор қиёфаси кўз олдимизда бутун салобати, улуғворлиги билан намоён бўлди.

Влтава дарёсининг ҳар икки қирғоғида қад кўтарган улкан шаҳарнинг тарихи жуда қадимларга бориб тақалади. Прага шаҳрининг муҳташам қалъаси 850-йилларда қурила бошланган. X асрларда бу ерлардан ўтган араб савдогари Иброҳим ибн Яъқуб ўз эсдаликларида «тошдан ва оҳакдан қад кўтарган шаҳар» ҳақида маълумотлар бериб кетган. XIV асрда ҳукмронлик қилган қирол Карл IV шаҳарнинг ривожланиши ва ободонлашувига жуда катта ҳисса қўшган. 1348 йилда Прагада марказий Оврўподаги биринчи дорилфунунга асос солган. Влтава дарёси устига у барпо этган санъат обидалари — ўттиздан ортиқ ҳайкаллар билан безатилган қадимий кўприк шаҳарнинг энг ажойиб осор-атиқаларидан ҳисобланади.

Дарёнинг ўнг қирғоғидаги тик тепалик устида мағрур қад кериб турган Прага қалъаси (Кремли) ҳам ана шу тараққийпарвар ҳукмдор пайтида ўз қиёфасига эга бўлган. Қалъадаги муқаддас Вита жомеъ бутхонаси, Лоритан ибодатхонаси, Лабковицкий саройи ва бошқа осори-атиқалар кўрганни ҳайратга солади.

Прага Кремлида дунёнинг турли мамлакатларидан келган сайёҳларни учратиш мумкин. Шу билан биргаликда бу ер ҳозирги Чехословакия ҳукуматининг расмий қароргоҳи ҳам ҳисобланаркан. Қалъа деворларидан қарасангиз — ўндан ортиқ кўприклар билан камарбаста этилган сокин Влтава дарёси ва унинг қирғоқларидан бошланиб узоқ-узоқларга — то кўз илғагунча кетадиган хушрўй шаҳар манзарасини тўймай томоша қилишингиз мумкин. Шаҳар марказидаги қадимий соатхона олдидан ҳам одам аримайди. Бу ерда ҳар соатда ажойиб томошанинг гувоҳи бўласиз: соат миллари маълум нуқтага келгач, юқоридаги дарча очиладию, тиллодан ясалган хўроз «ку-ку»лаб қичқириб юборади, деворга ўрнатилган махсус ҳайкаллар ҳаракатга келади, уларнинг тузилиши тириклик ва ўлим ўртасидаги, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги абадий курашни ифода этади.

МОРАВИЯ ЙЎЛЛАРИДА

САЁҲАТНОМАМИЗНИ тузганга раҳмат — унда Чехиянинг энг гўзал шаҳарларида бўлиш, мамлакатнинг ўзига хос табиати билан танишиш имконияти тўла яратилган эди. Белгиланган йўлланувга мувофиқ Прагадан чиқиб, жанубга қараб йўл олдик. Бу ерлар қадимда Моравия деб аталган. Анча тор, илон изига ўхшаш бўлса-да, йўллари текис, йўловчи заррача ҳам озор чекмайди. Кўз олдимизда бир-биридан ажойиб манзаралар — ўрмонлар, кўм-кўк ўтлоқлар, экинзорлар, тиниқ сувли кўллар, буралиб-буралиб оқиб ётган дарёлар, жилғалар. Осмон ферузадай, лекин у ер — бу ерда паға-паға оппоқ булутлар паст сузиб юрибди. Бу — намгарчиликнинг юқорилигидан нишона. Чехословакиянинг табиати мўътадил, об-ҳавоси ўртача. Экиладиган экинлар табиий ёмғир суви билангина суғорилар экан. Шунинг учун узундан-узоқ каналлар, суғориш иншоотларини кўрмадик. Экинзорларда буғдой, маккажўхори, картошка, айрим жойларда эса чирмашиб ўсадиган қулмоқ (хмель) ўстиришаркан. Унинг уруғидан пиво тайёрлашади.

1

ЧЕХЛАР ДИЁРИДА ЎН КУН

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

— Жаҳонга машҳур чех пивоси ана шу ўсимликдан олинади, — деб изоҳ берди саёҳатбонимиз.

Чехословакия пиво ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринда турар экан. Биз қайси шаҳарда бўлмайлик хушбўй чех пивоси билан меҳмон қилишди.

Моравия йўллари бўйлаб бораркинмиз дам ўтмай бирор шаҳарча ёки шаҳардан қолишмайдиган қишлоқ учрарди. Ҳаммаси ҳам обод, тоза, саранжом-саришта. Умуман Чехословакияда биздаги сингари нообод, паст-баланд уйли, йўллари ўнқир-чўнқир қишлоқни учратмайсиз.

— Бунинг сабаби бор, — деб бизга тушунтириш берди саёҳатбонимиз пан Вацлав, — ҳукуматимизнинг махсус қарори билан шаҳар ва қишлоқдаги иш ҳақи тенглаштирилган. Қишлоқларда ҳам етти соатлик иш куни жорий этилган. Уй-жой муаммоси ҳам тез ҳал этилади. Шунинг учун шаҳардан чиқиб қишлоқда яшашни ва ишлашни хоҳловчилар кўп, деҳқонлар ўз меҳнатларидан манфаатдор. Бу эса қишлоқ хўжалигимизни юқори даражада ривожлантиришни таъминлайди.

Ҳақиқатан ҳам Чехословакия Шарқий Оврўподаги нисбатан ўзига тўқ мамлакат ҳисобланади. Қайси озиқ-овқат дўконига кирманг гўшт, колбаса, сут-қатиқ, нон маҳсулотларининг мўл-кўллигини кўрасиз.

Биз сафарномамиз бўйича жанубдаги Марианске Лазне шаҳрига йўл олишимиз керак эди. Лекин пан Вацлав бу йўналишга ўзгариш киритиб, автобусимиз машҳур Карлови Вари шаҳри орқали ўтишини айтди. Демак, бутун дунёга машҳур шифохона-шаҳарни кўрарканмиз-да! Мана, йўл-йўлакай манзаралар ўзгариб, қирлар, ўрмонзорлар бошланди. Бу ердан оқиб турган дарёни Теплое (яъни Иссиқ) дейишаркан, негаки, ундан Карлови Варидан чиққан иссиқ сувлар оқаркан.

Мана, Карлови Варига ҳам кириб келдик. Қирлар орасидаги бир ҳандақдайгина жой, бир-бирига чирмашиб, устма-уст бўлиб кетган ҳашаматли бинолар — шифохоналар. Иссиқ сувли булоқларини минг дардга даво дейишади. Ҳув пастда дарахтлар ва уйлар орасидан зилол сувли ҳовуз кўринади. Пан Вацлавнинг айтишича, шифобахш сувли ҳовузда дам олувчилар чўмилишар экан. Бизда эса бундай имконият йўқ, чунки биз шунчаки йўловчилармиз, автобусимиз тўхтамасдан шифохона-шаҳарни айланиб ўтиб бораяпти. Саёҳатбон бу шаҳарнинг тарихи (унга XV асрда чех қироли Карл IV асос солган), унда жуда кўп машҳур кишилар, шу жумладан, рус подшоси Петр I ҳам дам олганлигини, бизнинг давримизда эса космонавт Гагарин ҳам бу ерда бўлганлигини айтиб кетаяпти...

Биз келиб тўхтаган Марианске Лазне шаҳри ҳам жанубдаги шифобахш шаҳарлардан экан. Карлови Варидан унчалик узоқ бўлмаган мазкур шаҳарда ҳам шифобахш булоқлар бор, аммо улардан совуқ сув чиқаркан. Айниқса, Умид, Ишонч ва Муҳаббат булоғи деган учбулоқдан сув ичувчиларнинг кети аримайди. Бу ерда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган кишилар дам олишади. Бир-биридан ҳашаматли шифохоналар, булоқлар, куйловчи фавворалар. Аммо негадир бу шаҳарда мен ўзимни лоҳасроқ сездим, бунинг сабабини саёҳатбонимиз шаҳардан чиқиб кетишимизда айтди. Маълум бўлишича Марианске Лазне уран маъдани устига жойлашган экан, сал нарироқдан қазиб олинаркан... Қаранг-а, шундай гўзал шаҳар ажал маъдани устида турса-я...

Кейин биз Хеб, Домажлисе, Чешский Крумлив шаҳарчаларида бўлдик. Қаерга борманг ёғ тушса ялагундек тоза кўчалар, ораста ҳовлилар, гулларга ўралган уйларни кўрасиз. Лекин чех тутсин-қўйсин экан-да уйни! Бўсағасидан тортиб ичкарисигача гул, деразасида гул, ҳатто томида ҳам гул-а!

ҚАЙТИБ КЕЛГАН БАҲОР

ЗАМОННИНГ ЗАЙЛИ билан биз Чехословакияга мамлакат ҳаётида жуда муҳим тарихий воқеалар содир бўлиб турган бир пайтда келиб қолибмиз. Аммо бу ҳодисотлар билан танишув аввало ҳазил-мутойиба билан бошланди. Гап шундаки, бизни олиб юрадиган саёҳатбонимизнинг исми Вацлав, бунинг устига ҳайдовчининг исми ҳам шундай экан. Мен улардан учинчи адашлари — мамлакат президенти Вацлав Гавел ҳақида сўрадим. «Жуда ғайрат-шижоат билан ишлаяпти, ундан хурсандмиз», — дейишди иккала пан Вацлавлар. Ҳа, яқингинада мамлакат Миллий Форуми номзоди сифатида энг олий лавозимга сайланган ёзувчи, драматург Вацлав Гавелни ҳозир бутун дунё билади, десак хато қилмаган бўламиз. Мана, унинг бироз дарвешона маъюслик билан кулиб тушган суратлари Прага кўчаларида кўплаб учрайди. Халқ не-не «казо-казо»лар, «арбоб»лар қолиб шу оддий, камтарин, камбағал зиёлига ишонч билдирди, уни Чехословакия давлатининг бошлиғи қилиб сайлади. Бунинг боиси бор эди, албатта.

2

Вацлав Гавел ўзининг бутун умрини халқ ҳаракати йўлига, демократия учун курашга сарфлади. Олдинги ҳукумат даврида у ўз демократик қарашлари учун таъқиб ва қувғунларга учради, аммо ўз йўлидан, маслагидан қайтмади. Мана энди у ўз халқининг иродасини адо этиб, Шарқий Оврўподаги йирик давлатни бошқараяпти, унинг раҳбарлигидаги Чехословакия демократия ва тараққиётни ривожлантириш йўлидан бораяпти. Мамлакатнинг кўпчилик фуқаролари қатори суҳбатдошларим ҳам ўз президенти билан фахрланардилар.



СУРАТДА: Прага марказидаги қадимий соат.

Муаллиф сурати.

Бизнинг Чехословакияда бўлишимиз Варшава Шартномаси қуролли кучларининг, аниқроғи — Шўро танкларининг Прагага бостириб киришининг 22 йиллигини эслаш кунларига (бу машъум воқеа 1968 йилнинг 21-августида юз берган эди) тўғри келди. Прагадаги катта Вацлав майдонида кўп кишилик митинг бўлди. Йиғилганлар давлатлар ўртасидаги зўравонлик ва дағдаға қилиш сиёсатини қаттиқ қораладилар. Мамлакат раҳбарлари Вацлав Гавел ва Александр Дубчеклар нутқ сўзлашди. Майдон ўртасида ағдарилган шўро танки турар, унинг яқинига эса «Бу ердан танклар ўтиши мумкин эмас», деган йўл белгиси қўйилган эди. Ағдарилган танк устида эса болалар, ёшлар ўйнашар, унинг ҳамма ерига турлича ёзувлар ёзиб ташланган. Мен булар орасидан: «Иван, уйингга жўнаб қол, Наташанг сени кутаяпти», деган ёзувни ўқидим. Нима ҳам дердик, чехлар ҳақ. Лекин шундай кунларда ҳам оддий кишилар орасида Шўролар Иттифоқидан келган меҳмонларга нисбатан ёмон қараш, душманлик руҳини сезмадик. Ахир, 1945 йилнинг 9-майида Прагада кўтарилган қўзғолонни фашистлар шафқатсизлик билан бостириб, кўчаларда дарё-дарё қонлар оққанда Совет Армияси, шўро танклари ёрдамга шошилишган-ку! Прагаликлар ўз халоскорларини гуллар, шод-хуррамлик билан кутиб олишган эди. Шу ўринда қадрли ҳамкасабамиз — Тошкент дорилфунуни матбуотчилик куллиётининг муаллими, Улуғ Ватан урушининг мажруҳи Анвар ака Шотурсуновнинг ҳикоялари эсимга тушиб кетди. «Прагага кириб борганимизда бирдан фашистлар замбаракларидан ўққа тутиб қолишди. Бир дарвозанинг панасига яширииндик. Шунда бизнинг олдимизга ёғилиб турган ўқ ёмғирларига қарамасдан бир чех йигити югуриб келди. Унинг елкасида катта ўрама мис карнайи бор эди. У бизнинг келишимиздан хурсандлигини баён этиш учун карнайда «Байналмилал»ни завқ-шавқ билан чалиб берди. Кейин биз яна илгарилаб кетдик...»

Ҳа, Прагани озод қилишда жуда кўп Шўро аскарларининг қони тўкилган. Ҳалоқ бўлганлар орасида турли миллат фарзандлари бор. Биз бу узоқ юртда абадий макон топган шўро аскарлари пойига гулдасталар қўйиб, қабрлар оралаб паришон кезар эканмиз Аҳмедов Сандаҳмад, Алиев Маҳмуд, Ашрапов Абул Ашрапович, Валимуҳаммедов Мухтор, Сапарбоев Мустафо, Қосимов И. О. деган ўзбек фарзандларининг номларини ҳам учратдик ва уларнинг хотирасини чуқур сукут сақлаб ёдга олдик.

(Давоми бор).

3



ПАЗАНДАЛАР БЕЛЛАШУВИ


Одатдан ташқари байрамона безатилган дастурхон. Ўта нозик дид билан жой-жойига қўйилган нозу-неъматлар хўрандаларга мунтазир. Таомлардан татиб кўрасиз-у, баҳолайсиз. Таомлар сифатига ва хизмат даражасига фикр билдирасиз. Сизнинг фикрингиз кўрик якунида ҳисобга олинади. Демак, пазандалар беллашуви экан-да.

«Зарафшон» ресторанида 13-Тошкент шаҳар ёш ошпазлар, қандолатчилар ва дастурхон безатувчилар танлови ўтказилди. Таомларни баҳолаш беш баллик усулда олиб борилди. Ғолиблик Октябрь, Чилонзор, Фрунзе ошхоналар тресги ва шаҳар ресторанлар трестига насиб этди.

Танловга Тошкент шаҳар умумий овқатланиш бош бошқармаси ва шаҳар комсомол қўмитаси ташаббускорлик қилди.

СУРАТЛАРДА: пазандалар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

Сураткаш: Ҳ. СОЛИХОВ.



ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

Катта спорт майдонларидан олиб берилаётган репортажларни кўравериб кўзимиз «пишиб» кетди. Ноумид шайтон-да, «шояд улар орасидан битта ўзбек чиқиб қолсайди» дея умид қиламиз. Лекин ният ҳадеганда ижобат бўлавермайди...

Солий Халимбетовнинг касби оддий: жамов хўжалигида спорт йўриқчиси. Лекин шу кишининг саъй-ҳаракатлари билан кўпгина хайрли ишлар йўлга қўйилди. Жумҳуриятимиз қишлоқларидаги жисмоний тарбия ва спорт ишларининг қай аҳволда эканлиги маълум. Ҳали қувонишга эрта. Лекин «шароит яратиб беришмаяпти», «раҳбарлар спортни менсимайди», деб минг бор зорланганимиз билан кўмак осмондан тушмайди. Ўзимизга боғлиқ.

Биз ҳикоя қилаётган спорт йўриқчиси Тўрткўлдаги «Совет Ўзбекистони» жамов хўжалигида ишлайди. Хўжалик бой, сердаромад. Унинг ҳудудига учта «Туркманкўли», «Оқбошли», «Ёқтилиқ» қишлоқлари киради. Ҳар йили 4 минг тоннадан ошириб пахта топширганлиги тўғрисидаги мақтовларни ноҳия, вилоят, ҳатто жумҳурият рўзномаларида ўқиб, овозингорида эшитганман. Лекин 10 минг аҳолили бутун бир тумандан ҳалигача битта етук номдор спортчи чиққанини эслолмайман.

Бу билан қишлоқлар аҳолиси спортдан умуман бехабар эканларда деган хаёлга бормаслик. Нолимайлик, ҳарна бўлганда ҳам шу хўжаликда «пичоққа илинадиган» спортчилар кўп. Лекин...

Азалдан курашчилар макони бўлган бу қишлоқ полвонларининг Хоразм, Бухоро, туркман, қорақалпоқ элларига довруғи кетган. Ҳаким, Яхшилиқ, Исо, Шариф полвонларининг номини бугун билмаганлар кам.

Хўжаликнинг салкам минг ўринга мўлжалланган даъватхонасидамиз. Ҳашаматли бино. Унинг даҳлизини бўлажак чемпионлар ўз «штаб»ларига айлантиришган. Йўриқчининг тахта девор билан тўсилган (худди шу даҳлизда) хонасига кирдик.

— Кийинадиган хона, омборхонамиз, ҳам шу ер, — дейди Солий ака. — Алоҳида-алоҳида хоналар ва душ тўғрисида ҳали-бери орзу қилмасак ҳам бўлади. Шунисига ҳам шукр. Кўчада эмасмиз.

Ҳақиқатан ҳам жой тор. Ҳамма «томоша» кечқурун бўлар экан. Курашчилар гиламларни ёзишиб даҳлизнинг ярмини эгаллашса, қолган ярмини тош кўтарувчилар... Бир ёқда шахмат-шашка ихлосмандлари...

Хўжалик комсомолларининг сардори, спорт мастерлигига номзод Озодбой Отажонов билан суҳбатлашдик:

— Шароит яхши. Ноҳия биринчилигида қатнашиб нуфузли ўринлардан бирини эгалладик, — дейди у. — Лекин негадир вилоят биринчиликларига таклиф қилишмаяпти. Кураш бўйича Қорақалпоғистон командаси бош тренери Есинмурод Ўтаниёзовдан бизнинг йигитларимизга ҳам эътибор беришларини сўрардик.

Полвон учун ўзи туғилиб ўсган юртнинг шарафини ҳимоя қилишдан ортиқ азиз нарса бўлмаса керак. Озодбой ва унинг командадошларининг ниятлари битта: ўз элини жаҳонга танитиш. Бунинг учун уларда куч-қувват етарли.

Даъватхонадан чиқиб юз қадам юрсангиз В. И. Ленин номли мактаб биноси спорт зали ёш «чарм қўлқоп» усталарининг макони. Спорт мастерлигига номзод Қаррибой Хўжаниёзов машғулот ўтказаётган экан. Қўл бола «ринг»нинг ичкарисида иккита ўсмир бокс тушишмоқда. Кийим, оёқ-қўл ҳаракатлари ҳаммаси рисоладагидек.

Қаррибойнинг касби педагог. Тошкентдан орттирган яна бир «касби» — боксчиликни айни кунларда қишлоқ ёшларини бокс сирларидан воқиф қилиш билан бирга уларни армия хизматига тайёрлайди. Унинг машқларига ҳамма ҳам чидайвермайди. Олдинига уч километрлик кросс, кейин одатдаги машқлар.

Унинг ҳам рўзномамиз орқали ноҳия спорт мутасаддиларига айтадиган, дардлари бор экан: «Мақтанишмас, ноҳияда бизга тенг келадиган команда йўқ. Ҳар йилги мусобақаларда биринчимиз, лекин вилоят беллашувларига эса, биз эмас, бошқалар боради. Бундай ноҳақлик, ҳар қандай спортчини ҳам тушкунликка туширади-да. Билмадим, «тақсимот»ни ким белгилайди, бу ёғи қоронғу...»

Волейболчилар машғулотини бориб кўриш учун ўзимизга ҳам спорт билан шуғулланишга тўғри келди. Икки чақирим наридаги қўшни мактабга йўл олдик. Жамоатчи тренер Оқназар Болтабоев ўз ишини жони-дилидан севувчилардан. Қаттиққўллиги, ишбилармонлиги хўжалик командасининг зафар қучишига сабаб бўлди. Унинг йигитлари турли касб эгалари. Бири ўқитувчи, бири ишчи, бири пахтакор, яна бирови тракторчи... Шунга қарамай ноҳия чемпиони. Мақсуд Исмоилов, Сафарбой Олломов кабиларнинг ниятлари ҳам тезроқ вилоят биринчилиги бошланса-ю, ғолиб чиқишса. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. База ҳам бўлиши керак-да. Йил ўн икки ой кўчада шуғулланиб бўлмайди.

Маданий-маърифий ишлар бўйича раис муовини Собир Қўшчоновнинг гапларига қараганда, шу яқин орада замонавий бўлмаса ҳам бундайроқ спорт кошонаси қуриб берилади. Оролбўйи минтақасидаги аҳволнинг ёмонлашаётганлиги сабабли хўжаликдаги бор пул аҳолини тоза ичимлик суви, газ, боғча ва мактаблар қурилишига сарфланаётган экан. На илож, иманли қуриш кераклигини биз уларга ўргата олмаймиз. Лекин ўсиб келаётган юртнинг келажаги — ёшларга сарфланган бугунги бир сўм эртага хазинамизга тилла бўлиб тушишини ҳам унутмаслигимиз керак...

Мирза АБДУЛЛА.

Бир хат изидан

СЎНГГИ УМИД

Ким ўйлаганди, сен шаҳид кетиб, ўрнингга қонга ботган бир парча ҳарбий билетинг келишини-ю, сўнг номингни абадийлаштириш учун қилинган ҳаракатларнинг бутун ҳамқишлоқларинг имзо чеккан мактублар устига ёзилган икки оғиз кўрсатмани деб, беҳуда кетишини?

Ё сочлари қордек оқариб, қадди дол бўлиб ўтирган муштипаргина бувинг — Турсунбуви момо истагимиди бу? Ёки сенинг жасадинг олиб келинган темир тобутни қучоқлаганича «вой болам-а», деб дарду-дунёси куйиб, дод солган, эртаси куни почтачи олиб келган, ўлимингдан олдин ёзган сўнгги хатингнинг сўнгги сатрлари: «...Бу гапни бошқаларга ёзмайман. Командировкага кетдим, дейман. Ҳеч кимга айтиб қўйманг... Бироз кечикиб ёки бориб келганимдан кейин хат ёзаман. Хавотир олманглар берган насиҳатларингга албатта амал қиламан. Яна хат орқали кўришгунча, хайр! Соғ бўлинг. Салом билан: солдат укангиз Тўлқин (имзо). 13/III—84 йил.»га юрак қонини томдириб, салкам телба ҳолга тушган сирдош аманинг Холбой аканинг нияти шундаймиди? У «Тўлқин шаҳид кетса. Мен райижроқўммарайижроқўм, оближроқўмма, оближроқўм сарсон бўлиб, унинг номини абадийлаштириш учун кимларгадир ялиниб-ёлворайин» деб тилак қилганмиди?! Балки ҳамқишлоқларинг, дўстларинг, ҳамда сен кўнгил қўйган, лекин дил изҳорингни айтиб улгурмаган ўша қиз...нинг хоҳишимиди бу?

Йўқ, улар сенинг ой бориб, омонгина қайтишингни тилашганди. Афсус...

Бу сўнгги сўзни бугун неча бор такрорламайлик, кеч, жуда кеч! Биз минглаб тўлқинларни йўқотиб бўлдик. Улар «борса келмас»ларга кетишган. «Уруш» сўзи китобу-кинолардагина такрорланадиган шундай тинчлик замонида фарзандига нон тишлатиб, туз ялатиб «болам йигит бўлди» дея фарзандини аскарликка кузатиб қолган, лекин девордаги тишланган нон, косадаги яланган туз мангуга эгасиз қолганидан қон ютиб, девона феъл бўлиб, юрак-бағри ёнаётган падари бузрукворлар, онаизорлар, бағри ярим жигарбандларнинг оҳларига қулоқ тутаяпмизми? Марҳумлар хотираси олдидаги оддийгина инсоний бурчларимизни бажара олаяпмизми ё?...

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТДАН: «Ўғлим Алматов Тўлқин 1984 йил 8 августда Афғонистонда хизмат пайтида ҳалок бўлди. Унинг хизматлари инобатга олиниб, ноҳия ижроия қўмитаси у яшаган кўчага ва ўқиган мактабга унинг номини бериш тўғрисида қарор чиқарди. (Қарор № 1 6, 10) 1. 86, №7/140 11/IV 86 й). **Тасдиқланиш учун Тошкент вилояти ижроия қўмитасига юборилган эди. Афсуски, у тасдиқланмади. Қайта қилинган илтимослар, хатлар ҳам ноҳияга қайта жўнатилди. Бу иш ноҳиямизда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинганлигига қарамай яна орқага қайтарилган эди. Буни нима деса бўлади: бюрократликми ёки Ватан буйруғини бажариб жон фидо қилганларга беҳурматликми? Бунга ким айбдор? Урушга содда халқнинг фарзандларини юбориб, ўзлари четкада турган раҳбарлар эмасми?..»**

Тўлқин Алматовнинг отаси М. Алматов ва амакиси Р. Холбоевлар имзоси билан ёзилган бу хатда бир олам дард, изтироб, ҳасрат борлиги кўриниб турибди.

— Мен укамнинг бўйини унинг дўстлари даврасида энди ҳеч қачон кўрмайман. Биласизми, ҳалигача мана бу ерим оғрийди, синглим, — дея Рихсивой ака кўксини ушлайди, — Алам қиларкан, ўз оёғи билан чиқиб кетган паҳлавондек йигитни кичкина бир қутига солиб, уйингга олиб келишса. Йўқ, буни инсонларгина ҳис қилади...

Рихсивой ака чуқур хўрсинади. Унинг беш-олти йиллик сарсон-саргардонликлари яна вужудини ўртади. Тўғри, Тўлқин Алматовнинг номи бирмунча югур-югурлардан сўнг у яшаган «Бой-овул» кўчасига берилди. У ўқиган М. Горький номли 7-ўрта мактабда ҳам унинг номига мемориал хотира тахтачаси ўрнатилди. Сўнгра ҳамқишлоқлари, ўқитувчилари, синфдошлари Тўлқиннинг номини ўз мактабларига беришларини сўраб, хат тайёрлашди. (Ахир халқ беҳудага бирор нарсани талаб қилмайди-да!) Бу хат ноҳия ижроия қўмитасида тасдиқдан ўтиб, вилоят ижриоя қўмитасига жўнатилди.

— Ҳамма оворагарчиликлар шундан кейин бошланди, — дейди Р. Холбоев. — Вилоят ижроия қўмитаси хатни қайта ноҳияга юборди. Натижа бўлмагач, Олий Кенгашга ёздим. Биринчи хатимга ҳеч қандай акс-садо бўлмади. Иккинчи хатимни вилоят ижроия қўмитасига жўнатишди. Улар яна ноҳияга. Учинчи бор қилган ҳаракатим ҳам худди шундай якун топди. Бир куни ноҳия ижроия қўмитаси раиси ўринбосари (собиқ) Н. Н. Ким мени ҳузурига чақирди:

— Яна сизнинг аризангиз... Бу ёғига ўзингиз ҳаракат қилинг. Мана бизнинг қароримиз, ҳужжатлар. Энди ишимиз йўқ... — деди.

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб қайтдим. Яна бир неча бор ҳаракат қилдим, фойдаси бўлмади.

Таажжуб! Р. Холбоевнинг гапларини тинглаяпман-у, назаримда Тўлқин Алматов Рихсивой ака учун афғонда ҳалок бўлгандек. Йўқса, у бу қарзини узиш учун оиласини, олти фарзандини, ишини (у қишлоқ амбулаториясида бош врач бўлиб ишлайди) бир ёнга йиғиштириб қўйиб, ўзи заводга бориб, темир тахтачалар буюртириб, ёздиртирармиди. Идорама-идора сарсон бўлиб югурганини айтмайсизми?

1986 йилда чиққан қарор ҳанузгача ижросиз ётса-я?! Тўғри, ўша вақтдаги ноҳия ижроия қўмитасининг раҳбарлари қўлларидан келганча ҳаракат қилишди. Қарор чиқариб беришди ва унга вилоят ижроия қўмитасининг тасдиғини сўрашди. Лекин Рихсивой аканинг айтишича, халқ талаби битилган бир парча қоғоз вилоят ижроқўми раҳбарларининг хоналарида сарсон бўлиб, охири бир раҳбарнинг қўлига тушибди-ю, унинг «Горькийдек буюк ёзувчи номини ўзгартириб, қандайдир интернационал жангчининг номини қўйиш шартми?» мазмунидаги кўрсатмаси сабаб ўрганилмабди. Р. Холбоев эса бу орада ҳеч бир жойдан аниқ жавоб ололмай ўтиравериди. Қарор ҳануз ўз кучини йўқотмасдан, ноҳия архивида чанг босиб ётибди...

— Давр ўтган сайин, йил ўтган сайин одамлар ўзгараркан. Ўзбекистонда ҳақиқий қайта қуришнинг бошланганига, назаримда энди бир-икки йил бўлди. Мен бугунги ошкораликка жуда ишонаман.

Рихсивой ака чуқур ўйга чўмади...

Биз эса ҳали 20 ёшни қаршилаб улгурмаган, лекин шу бир сиқимгина умри давомида жасорат кўрсатиб улгурган Тўлқин ҳақида ўйлаймиз. Ана, мактаб деворида унинг сурати осиғлиқ турибди. Бўйи ўртача, елкалари кенг, кўзлари тийрак йигит. У шўх болалиги ўтган мактабига, ўқитувчиларига, бу ерда таълим ва таҳсил олаётган ҳамқишлоқ укаларига меҳр билан боқаётгандай.

Ҳозир дўстларининг кўпи оилали. Фарзандлари ҳам бор. Тўлқиннинг дўстлари тез-тез унинг қабрини зиёрат қилгани боришади. Улар ўз давраларидан учиб чиқиб, қайтиб қўнмаган дўстлари ҳақида фақат илиқ гаплар гапиришади ва ундан ёдгор қолган яхши хотираларнигина эслашади.

— Яхши инсонларнинг умри қисқа бўлади, дейишади кексалар. Балки шу гап ростдир. Тўлқин бирор ўқитувчининг гапини қайтарганини ёки бирор ишни пайсалга солганини эслолмайман. Ўзига ишонувчан йигит эди, — дейди М. Горький номидаги 7-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси (собиқ) Абдукарим Раҳматуллаев.

Тўлқин Алматов ҳақида унинг дўстлари, ҳамқишлоқлари ва ўқитувчилари кўп гапиришди.

У мана шу хислатлари билан олис Афғонистонда ҳам эзгуликлар қила олди. Ўт, олов ичида ёнаётган, кетма-кет бўлган жанг майдонларидан москвалик Александр Митрафанов, Молов ҳамда Мироненко деган қуролдош дўстларини олиб чиқди. Шу қисқагина ҳаётида учта йирик ҳарбий операцияда, 20 марта жанговар разведкада бўлди. 15 та пистирмани яксон қилишда қатнашди. Унинг топқирлиги туфайли полкнинг разведкачилар взводи қуршовдан эсон-омон қутқариб қолинди. Шахсан ўзи ўқ-дори омборининг қаердалигини аниқлаб берди. Мана шу хизматлари учун 20 дан ортиқ ташаккурнома, совғалар билан тақдирланди. «Жасорати учун» ва «Жанговар хизматлари учун» медалларининг нишондори бўлди...

Ўлимидан сўнг эса «Қизил юлдуз»...

«Тўлқин ҳаёт бўлганида фақат ҳақиқат учун курашган бўларди», деди бир дўсти.

Ҳа, ана шу ҳақиқатни севувчи, оппоқ орзулари ўзи билан биргаликда оппоқ қушларга айланиб, парвоз этган навқирон йигит ҳурмати, биз тириклар ҳақиқат учун курашайлик. Давримизнинг ўзи ҳақиқат учун йўл очган. Ана шу йўлдан борайлик-да, «Биз ҳамқишлоғимиз билан, қишлоғимиздаги Горький номидаги мактаб шундай жасур йигитни тарбиялагани билан фахрланамиз», дея такрорлаётган кекса-ю ёшларнинг ҳам қалбига қулоқ тутайлик.

Ҳа, А. М. Горький буюк ёзувчи. Буни тан оламиз. Унинг номида метро станцияси, истироҳат боғлари, давлат ва жамоа хўжаликлари ҳамда юздан зиёд мактаблар бор. Агар Максим Горький тирилиб келса, ўз номининг шунчалар кўплигини кўриб, биз ўзбекистонликлардан жуда-жуда хафа бўларди, менимча. Ахир муқаддас нарсанинг азиз бўлгани яхши-да!

Энди Тўлқин Алматов хотирасига келсак. Халқимиз қадимдан марҳумларга ҳурматни инсоний бурч, деб ҳисоблайди. Минг афсуски, биз жамиятнинг хатоси билан сафларимизда йўқ бўлганларнинг хотирасини ёд этишни бир парча қоғозга алмаштирамиз баъзан. Қоғозлар... Улар арзирмикан, бугун ўзи, ҳали дунёга келмаган ва энди ҳеч қачон келмайдиган фарзандлари қувнаб-яшнаб юролмаган, йигит ёшда жувонмарг бўлиб, мангу навқиронлигича қолганларнинг бир томчи қонига...

Майли, уларнинг кўксида ордену-медаллари бўлмасин. Лекин улар ўлимининг ўзи мангуликка дахлдорлик эмасми?!

Ҳа, биз тириклар калтабин сиёсатдонларнинг касрига шаҳид кетганларнинг порлоқ хотирасини эъзозлашимиз шарт. Бу бизнинг Шарқда оддийгина инсоний бурчдир. Мана шу инсоний бурчни адо этайликда, вилоят ижроия қўмитаси ҳамда Ўрта Чирчиқ ноҳияси ижроия қўмитасининг янги аппаратига умид билан қарайлик.

Сарсонлик - саргардонликнинг сўнггиси шу умид ва унинг ижроси бўлсин.

Ой САРА,
Вилоят ЗОИРОВА.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТОШКЕНТДАГИ «Наво» дастаси мусиқа мухлислари эътиборига янги программани ҳавола этди. Бу программа «Ассалому алайкум!» деб номланди.

Владимир Барамиков раҳбарлигидаги мазкур жамоа 12 йилдирки эстрада мусиқасини, ўзбек халқ қўшиқларини кенг тарғиб этиб келмоқда. Янги ижро мундарижасига хусусан Хоразм халқ қўшиқлари — «Ёр-ёр», «Қора қош» ва замонавий тус берилган бошқа куйлар киритилган. Яккахон хонандалар — ёш ижрочилар Бутуниттифоқ конкурсининг совриндори Кумуш Раззоқова, ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Жўраевлардир. Даста Австрияга, Швейцарияга, Эфиопияга, Мадагаскарга бориб келди, «Осиё овози» халқаро конкурсида, «Эгизаклар-90» телефестивалида иштирок этди.

* * *

ТЕРМИЗДА ташкил топган «Алпомиш» фольклор-этнографик дастасининг ижро мундарижаси ривоятлар, достонлар, маросимлар намойиш этилган саҳна кўринишларидан иборат бўлди. Бу Сурхон водийсидаги дастлабки шундай жамоадир. Даста вилоят бўш вақтни кўнгилли ўтказиш ва маданият марказида ташкил этилди.

Дастага Хушбақа бахши Мардонқулов раҳбарлик қилмоқда. Вилоятда донг чиқарган бахши ва бадиҳагўйлар Мамарасул Эшимов, Тўра Ҳасанов, Чори Шоймоновлар шу дастада бирлашишди.

(ЎзТАГ).



Мен ҳам қўшиқ айтаман...

Жумабой ҚОЗОҚ суратлавҳаси.

ТВ

3 НОЯБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

9.00 «Шанба экрани». Кинопрограмма. 10.00 «Ўзбекистон спорти». 10.20 «Орзуларимиз қанотида». Бадиий фильм. 11.35 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти. 12.05 «Турмуш ва иқтисод». 12.35 Болалар учун. «Қувноқ саргузаштлар». 13.05 Офат ва нажот. 13.35 Сурхондарё вилояти Шеробод ноҳиясидаги «Чаман» дастасининг концерти.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Хуш келибсиз!». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Кино жавонидан». 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Доиранинг довруғи». Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Талъат Сайфуддинов. Видеофильм премьераси. 22.50 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм («Мосфильм») 1-серия. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Мутлақо махфий эмас». 18.35 Мультфильмлар: «Қароқчининг ёзишмалари», «Мушук Леопольд автомобили», «Скрипкада чалишни орзу қилган паҳлавон». 19.00 «Новости». 19.20 «Шеърият дафтаридан». Камол Насрулло. 19.50 «Инсон ва қонун». 20.30 «Ахбор». 20.50 «Руҳафзо». Концерт программаси. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ҳалил-ал-Мадхун. «Ўғирлик». Теленовелла. 22.45 «Революция туфайли туғилган». Телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Биз сенга ёрдам берамиз» (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Сиз яратган боғ». 9.30 «Чашмалар». 10.00 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 10.30 «Инсон. Ер. Коинот». 11.30 Режиссёр Б. Кимёгаров фильмлари. «Сиёвуш ҳақида қисса». 1-серия — «Сиёвуш ва Судоба» («Тожикфильм»). 13.00 «Прогноз». 13.30 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия — «Буғу байроғи остида». 15.05 Шеърият лаҳзалари. 15.10 Мультфильмлар: «Крококот», «Холодильникдаги қор бўрони». 15.30 Сиёсий мулоқотлар. «Вазият». Нарва шаҳар мэри сайловлари ҳақида. 16.00 «Ҳайвонот оламида». 17.00 Болалар учун телекўрсатувлар I Бутуниттифоқ фестивалининг совриндорлари. «Девор». 17.15 Мультфильмлар: «Бир жиноят тарихи», «Эстафета», «Криминал». 17.40 «Ангажемент». М Задорнов иштирокида кўрсатув. 19.15 «Халқаро панорама». 20.00 ССЖИ ҳукуматида. 20.10 Фильм-афсона. «Шамол олиб кетганлар» (АҚШ) бадиий фильми таништирилади. 21.30 «Вақт». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 21.15 «Золотое кольцо». дастасининг концерти. 22.30 Парламент хабарномаси. 22.45 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Италия — ССЖИ терма командалари. Италиядан кўрсатилади. 00.25 «ТСН». 00.40 Тунги мусиқий қаҳвахона.

● МТ II

8.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.45 Болалар учун фильм. «Ақлли буюмлар». 1 ва 2-сериялар («Ленфильм»). 10.55 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Ўттиз тўққизинчи йил сентябри». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси). 11.25 «Майдон». 12.25 Коллаж. 12.30 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади. 13.15 Бадиий гимнастика. Европа чемпионати. Швециядан кўрсатилади. 14.00 «Оила» телепрограммаси.

15.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ВИДЕОКАНАЛИ

17.30 «Контакт-форум». 18.00 «КОАПП». Мультфильм. 13-серия — «Вернисажнинг ўғирланиши», 14-серия — «Ав.ОУО — бу тухумдан дегани». 15-серия — «Амазонкадаги даҳшат». 18.30 «НЛО: эълон қилинмаган ташриф». 6-кўрсатув. 19.30 «Пи» белгиси билан». 1-қисм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин. кичкинтойлар! «Меҳмонимиз — Володя амаки». 20.45 «Пи» белгиси билан». 2-қисм. 21.30 «Вақт». (сурдо таржимаси билан). 22.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 23.30 «Пи» белгиси билан». 3-қисм.

Тунги сеанс

01.00 «Тузоқ». Телевизион бадиий фильм. «Полициянинг телефони «110» туркумидан.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28607.